



Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

МУНОСАБАТ

Ўзбекистоннинг бугуни ва эртаси, тараққиёти ва глобал майдондаги мавқеи бевосита ёшлар билан боғлиқ. Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган, мамлакат келажагини белгилайдиган олтин авлод. Шу боис, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама камол топтириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида доимий эътибор марказида турибди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Кўксарой қароргоҳида ёшлар билан ўтказган мулоқоти бу йўналишдаги улкан эътибор ва аниқ режаларнинг ёрқин намунаси бўлди.

Бугун ёшларга қаратилаётган эътибор ва яратилаётган имкониятлар ўз самарасини бермоқда. Ўзбек ёшлари халқаро майдонда салмоқли ютуқларга эришмоқда. Жаҳон фан олимпиадаларида 66 та олтин, 147 та кумуш, 221 та бронза медаль кўлга киритилди. Гарвард, Йель, Принстон, Колумбия, Корнелл каби дунёнинг энг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар сони 500 нафардан, "ТОП-100" университетларида ўқиётганлар эса 3,5 минг нафардан ошди. Ёшлар томонидан яратилган 63 та стартап лойиҳаси АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия ва Бирлашган Араб Амириклари бозорларида муваффақиятли кириб борди. Бугунги кунда ёш тадбиркорлар мамлакат



ОЛТИН АВЛОД

бизнес вакилларининг 35 фоизини ташкил этиб, иқтисодий драйверига айланмоқда. Ёш спортчиларимиз халқаро аренада 720 та олтин, 671 та кумуш, 854 та бронза медалини кўлга киритди. Ўзбекистоннинг ёшлар билан боғлиқ сиёсати нафақат миллий, балки халқаро даражада ҳам фаол ривожланмоқда. Жорий йилда Тошкент шаҳрида Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати бош қароргоҳи ташкил этилиши, Самарқандда Ёшлар парла-

менти аъзоларининг 12-глобал конференцияси, "Take Off" халқаро стартап саммити ва 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ўтказилиши бу мақомни янада мустаҳкамлайди. Бу тадбирлар Ўзбекистон ёшларига халқаро тажриба алмашиш, глобал муаммоларни ҳал этишга ҳисса қўшиш ва ўз салоҳиятини намойён этиш учун кенг имкониятлар очади. Айни пайтда, ҳар йили катта ҳаётга минглаб ёшларнинг кириб келаётгани давлатимиз олдида улкан

масъулият юклайди. Мамлакат аҳолисининг ўсиши билан йил сайин меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар сони ҳам ортиб бормоқда. Президент сўзларига кўра, ҳозирда бу кўрсаткич 600 минг бўлса, 2030 йилга бориб 1 миллионга етиши кутилмоқда. Шу боис, ёшларга ўз имконияти ва қизиқишига мос иш топиши учун шароит яратиш энг муҳим масалалардан биридир.

(Давоми 2-саҳифада.) ➤

ФАКТ

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди. Сафар дастуридан бунёдкорлик ишлари, лойиҳалар билан танишиш, янгиликларни ишга тушириш, вилоятни комплекс ривожлантириш бўйича навбатдаги устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказиш ўрин олган.

✓ Ислом олами маданий мероси бўйича кўмитанинг 13-сессияси якуний хулосаларига кўра, Ўзбекистоннинг 7 та моддий ва номоддий маданий мерос объекти ICESCO рўйхатига киритилди.

✓ Жакарта шаҳрида қиличбозлик бўйича ўтказилаётган ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Алпамис Ўракбаев кумуш медали, Артур Бегжанов бронза медали билан тақдирланди.

НАЖОТ ЙЎЛИ



ИЛМ ЯДРОСИ

ЎзФА С.А.Азимов номидаги Физика-техника институти директори Хусниддин ОЛИМОВ билан суҳбат

– Хабарингиз бор, муҳтарам Президентимизнинг ёшлар билан доимий учрашув ўтказиши яхши анъанага айланган. Кунни кеча Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган навбатдаги мулоқот ҳам ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича янги имкониятлар яратиши шубҳасиз. Олимонга нигоҳ учрашувда нималарни кўра олди?

– Ушбу тарихий мулоқот ажойиб рақамлар билан бошланди. Бугун юртимиз аҳолисининг 22 миллиондан зиёдини ёшлар ташкил этар экан. Дунёда фуқаролар нуфуси йигирма миллионга етмайдиган давлатлар кўп. Бу жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий кучдир. Шунинг учун ҳам, Президентимиз ҳар бир вазир, ҳоким, олийгоҳ ректори, техникум, мактаб директори ва бошқа масъулларга бу борада жиддий вазифаларни белгилаб берди.

Учрашувда сўнги йилларда яратилган имкониятлар натижасида мамлакатимиз ёшлари эришаётган ютуқ ва муваффақиятлар эътироф этилди. Келгусида бу кўрсаткичларни ошириш, галдаги ютуқларга йўл очиш, тақлифлар асосида янги шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадлар ҳамда ёшлар манфаати кўзланган 32 та ташаббус илгари сурилди.

(Давоми 2-саҳифада.) ➤

БУГУННИНГ ШЕЪРИ



ТИНЧЛИК КЕНГАШИ

АҚШда бўлиб ўтган Тинчлик кенгашининг 1-саммитида Ўзбекистон таъсисчи давлат сифатида иштирок этди

*Ер юзини саждагоҳга тенглашиб,
Миллатларни дўсту ёрга менгазиб,
Уруш-қиргун бўлмасин деб жаҳонда –
Бонг урмоқда буеун Тинчлик кенгаши.*

*Нотинч уйдан қочар файзу барака,
Ношод элга татимаиди маърака,
Аҳдлашувлар шоён етти фалакка,
Бонг урмоқда буеун Тинчлик кенгаши.*

*Ҳар банданинг Худо берган рўзи бор,
Ҳар банданинг умри-жони, сўзи бор,
Савоб-шаррни ўлчарга тарози бор,
Бонг урмоқда буеун Тинчлик кенгаши.*

*Дунё қалқиб турган бедор замонда,
Ўзбекистон лафзи шудир жаҳонда:
Тинчлик бўлсин Ғазо деган маконда,
Бонг урмоқда буеун Тинчлик кенгаши.*

*Кишанларни парчалаб уз, бўлди, бас!
Одам насли ҳур туғилган, қул эмас!
Ўз юртининг эгаси бўл ҳар нафас!
Бонг урмоқда буеун Тинчлик кенгаши!*

Нуруллоҳ ОСТОН

СПОРТ ОЛАМИ

ШАРҲЛОВЧИ НУКТАДОН БЎЛСА...

Спорт журналисти ва шарҳловчи Даврон ФАЙЗИЕВ билан суҳбат

– Юртимизга футбол XX аср бошларида Кўкonda "Мус" жамоасининг тузилиши билан кириб келган. Жадидлар ва улар билан бир даврда яшаган ижодкорлар ҳам футбол билан фаол шуғулланган. Жумладан, севимли шоиримиз Усмон Носир ҳаваскор жамоада тўп тепгани ҳақида маълумотлар учрайди. Даврон ака, суҳбатимизни янги ўзбек футбол ҳақидаги мулоҳазаларингиздан бошласак.

– Ўзбек футболининг потенциали жуда ҳам катта. Айниқса, сўнги йилларда эришган ютуқларимиздан кейин жаҳоний аудиториямиз кенгайди. Бундан ташқари, футболчиларимизга нисбатан ишонч кучайди, ушбу спортга инвесторларни жалб қилиш имкониятлари ортди. Ҳозирги кунда йирик компаниялар Ўзбекистон футбол ассоциацияси (УФА), Про-

фессинал футбол лигаси (ПФЛ) билан ҳамкорлик қиляпти ва бундан икки томон ҳам манфаатдор бўляпти. Бу футболни фақат давлат кўмағида эмас, балки инвестициялар эвазига янада тез фурсатда ривожлантириши мумкин.

Қўлчиликда янглиш фикр бор: гўё футбол жамоалари бор бўйича оғирлигини бюджетга ташлаб олган. Аслида, ҳар битта ассоциация, федерацияни FIFA ҳам, ОФК ҳам қўллаб-қувватлайди. Қолаверса, ҳормийлар жалб қилинади ва айнан сўнги беш-олти йил ичида УФАда бу тизим яхши йўлга қўйилди. Агар жамоа ғалабалари давомли бўлса, маркетинг томонлама ҳам ривожланиш бўлади, эътибор ҳам ошади. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди.

(Давоми 3-саҳифада.) ➤

ШУ СОНДА:

“ТУҒИЛГАН ЕР УЧУН ҲУРМАТ ЯХШИРОҚ”



(5-саҳифада ўқинг.) ➤

САНА

Сизни соғиндим,



Зулфия опа

Умр ўтиб бормоқда. Умр ўтган сари одам босиб ўтган йўллари, бошдан кечирган йилларини тез-тез эслаб турар экан. Инсон босиб ўтган йиллар ва йўллар – нимадир улар? Масофами, вақтни ё бошқа нарсами? Менимча, улар умринг давомида сенга рўпара келган, ҳаётингда из қолдирган одамлар – дўстлар, қариндошлар, устозлар, сафдошлар. Афсуски, улардан анча-мунчалари аллақачон шоир Шайхзода таъбири билан айтганда, “ҳечистон” мамлакатига рихлат қилишган, лекин уларнинг руҳи поклари тирик, бот-бот ҳузуримга келиб туришади, гурунглашамиз, дардлашамиз, маслаҳатлар қураимиз.

Вақт ўтган сари уларнинг ўрни биланади, кўпларининг сиймоси янада тиниқлашади, юзлари, кўзларидаги нур ўткирлашади. Бундай эслашлар, бундай хотиротлар ҳамisha кишига руҳ беради, бардам қилади, мамнуният бағишлайди. Ҳаёт йўлларимда шундай улғур зотларга рўпара келган эканман,

улар билан ҳамсуҳбат, ҳамфикр, ҳамдард бўлган эканман, демак, умрим унчалик ҳам беҳуда ўтмапти.

Бугун тонгда Зулфия опани эсладим. Нақадар олижаноб, нақадар нуруний аёл эдилар.

(Давоми 4-саҳифада.) ➤



Бошланиши 1-саҳифада.

Ёшлар ўртасида ўтказилган сўровномага кўра, уларнинг учдан бири тадбиркор бўлиш истагини билдирган. Бу эса ёшларнинг нафақат иш қидирувчи, балки иш ўринлари яратувчи кучга айланаётганидан далолат беради. Давлатнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш сиёсати, имтиёзли кредитлар, бизнес инкубаторлар ва консалтинг хизматлари ёшларнинг бу интилишини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Ўтган йили ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида банклар ва Ёшлар ишлари агентлигига 400 миллион доллар йўналтирилгани натижасида “Ёшлар бизнеси” ва “Келажакка қадам” дастурлари ҳисобидан 15 минг нафар ёш ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, 50 минг кишини иш билан таъминлади. Бу муваффақиятлар замрида давлатнинг ёшларга бўлган ишончи ва амалий кўмаги ётибди.

Мазкур ишларнинг манткий давоми сифатида, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 200 миллион доллар ажратилиши эълон қилинди. Молиялаштириш имкониятлари янада кенгайтирилиб, бир қатор янгиликлар жорий этилмоқда. Биринчидан, ўзини ўзи банд қилган ёшлар учун кредит миқдори 100 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача оширилади. Иккинчидан, ёш тадбиркорларнинг лойиҳалари учун 10 миллиард сўмгача кредит ажратиш имконияти яратилади. Учинчидан, инновацион стартап лойиҳаларига 100 минг долларгача инвестиция қиритишга рухсат берилади. Тўртинчидан, сервис ва умумий овқатланиш соҳасида мингдан зиёд иш ўрни яратган маҳаллий брендлардан



ОЛТИН АВЛОД

франшиза олиб, филиал очишга қизиққан ёшлар учун қўлай молиялаштириш пакетлари жорий қилинади.

Жорий йилдан эътиборан “Келажак тадбиркори” дастури ишга туширилиб, ёш тадбиркорларга 7 йил муддатгача 15 фоизли кредит ажратиш йўлга қўйилади. Дастур доирасида ўзини ўзи банд қилган ёшларга гаровсиз 20 миллион сўмгача, тадбиркорлик кўникмасига эга бўлиб бизнес бошлаётганларга 300 миллион сўмгача, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларга 2 миллиард сўмгача, камида 5 нафар битирувчини ишга олган тадбиркорларга эса 10 миллиард сўмгача кредит ажратиш каби имтиёзлар белгиланаётгани жамиятда камбағаллик даражасини янада камайтиришга хизмат қилади.

Тадбиркорликни энди бошлаётган ёшларнинг 30 фоизи бизнес кўникмаси етишмаслиги сабаб қи-

йинчиликка учраётганини инобатга олиб, ҳар бир ҳудудда “Ёшлар бизнес инкубатори” ташкил этилади. Нуфузли хорижий олийгоҳларнинг илғор тажрибалари асосида ёшларни тадбиркорликка ўқитишда ҳамкорлик қилинади ва камида 40 минг ёшни бизнесга ўргатадиган “Янги авлод тадбиркорлари” дастури бошланади.

Дастурни муваффақиятли тугатган энг яхши минг нафар ёшнинг лойиҳасига уч йил муддатга 200 миллион сўмгача 7 фоизли ссуда берилади.

Ҳар йили “Ёш тадбиркорлар” танлови ўтказилиб, энг яхши 100 та лойиҳани брендга айлантириш учун “Ёшлар венчурс” жамғармасидан 1 миллиард сўмгача маблағ ажратилади.

“Фиркинги бер (Voice Up)” инклюзив оромгоҳи тажрибаси кенгайтирилиб, уни ҳар бир ҳудудда ўтказиш ва минг нафар ёшни кам-

раб олиш, энг яхши ташаббуслар иштирокида Самарқандда Халқаро инклюзив ёшлар оромгоҳини ташкил этиш вазифаси белгиланди. “Ўсиш ва ривожланиш (Upshift)” лойиҳаси доирасида медиа, дизайн, хунармандчилик, ишлаб чиқариш ва инновация йўналишларида танлов ўтказилиб, энг яхши 40 та стартапни молиялаштириш учун 2 миллиард сўм ажратилади.

Техникумларда таълим дастурларини иш берувчилар талаби асосида янгилаш, дуал таълим қамровини кенгайтириш ва моддий-техник базани яхшилаш бўйича ҳам муҳим вазифалар белгиланди. Техникумларга ҳам олийгоҳлар каби “spin-off” очишга рухсат берилиб, ўқувчиларнинг стартап лойиҳаларига 1 миллиард сўмгача ажратилади. Жорий йилдан техникум ўқувчилари учун ҳам “Ишла ва саёхат қил (Work and travel)” дастури асосида 6 ой хорижда ишлаб, қўшимча

даромад топиш имконияти яратилади, иштирокчиларга йўлқира харажатлари учун ссуда ажратилади.

Кўрсатилган бу эътибор ва кўмақдан мақсад аниқ. Фарзандлари билимли, истеъдодли, ўзининг кучи ва салоҳиятига ишониб, доимо олдинга интилиб яшайдиган халқ ва давлатнинг истиқболли, албатта, ёруғ бўлади.

Ўзбекистонда ёшлар сиёсати борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар дунё миқёсида тан олинаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. 2023 йили Ёшлар тараққиёти индексида кўра, Ўзбекистон ёшлар сиёсати соҳасида энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири, деб эътироф этилгани ҳам шундан далолат. Шунингдек, БМТ томонидан “Ёшлар стратегияси – 2030”ни намунавий тарзда амалга ошириш бўйича танлаб олинган 10 та мамлакатдан бири айнан Ўзбекистондир. 2022 йилда Бухоро шаҳри – Туркий

дунё ёшлари пойтахти, 2024 йилда эса Тошкент – МДХ минтақасида биринчи ёшлар пойтахти деб эълон қилинди. Ўша йили мамлакатимизда илк бор ўтказилган Бутунжаҳон ёшлар фестивали ҳам Ўзбекистонга бўлган юксак эътибор намунаси, десак, тўғри бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси ёшларнинг инновацион салоҳиятини ошириш ва уларни рақамли иқтисодиётнинг асосий драйверига айлантиришга қаратилган. Бу йўналишдаги энг муҳим ташаббуслардан бири – Президентнинг технологиялар бўйича мукофоти танловидир. 2023 йилда умумий мукофот жамғармаси 1 миллион АҚШ долларини ташкил этган ушбу танлов Ўзбекистоннинг инновацион ютуқлари тарихида янги саҳифа очди. Танлов сунъий интеллект, MicroSaaS ва AdTech, ижтимоий ва молиявий технологиялари, ўйин дастурлари ҳамда хақатон каби муҳим йўналишлардаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди. Қисқа вақт ичида иштирокчилар сони 4 мингдан 6 минг нафаргача ошгани ёшлар орасида инновацияларга бўлган қизиқишнинг юқори эканини яққол кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда ёшларга қаратилаётган юксак эътибор мамлакатимизда динамик, рақобатдош ва глобал боғланган келажакни шакллантирмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан ўтказган навбатдаги учрашувида белги-ланган муҳим чора-тадбирлар Ўзбекистон ёшлари учун барча соҳа ва йўналишларда янада кенг имкониятлар эшигини очиши шубҳасиз.

Жамолдин БАДАЛОВ

Бошланиши 1-саҳифада.

Булар тадбиркорлик, стартап, таълим, хорижий тиллар, ижтимоий ҳимоя, волонтерлик, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, китобхонлик соҳаларини қамраб олади.

Гап тадбиркорлик ҳақида борадими, ижтимоий ҳимоя ҳақида, ҳар бир ташаббус негизда илм-маърифатга эрга турганига гувоҳ бўлдик. Ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида олим ва зиёлилар ҳам ҳисса қўшади. Бизнесинг илмий муассасамизда ҳам ёшлар улуши катта ва улар билан ишлаш раҳбариятга катта бурч ва масъулият юклайди.

– **Сўзларингиздан шоирнинг “Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди”, деган ҳавасли сатрлари дилингиздан ўтганини сезиш қийин эмас. Келинг, мавзудан узоқлашмаган ҳолда, ёшлигингиз, ядро физикаси соҳасига кириб келишингиз ҳақида суҳбатлашсак.**

– Бу фанга қизиқиш болалигимда, ядро физикаси бўйича олим бўлган дадам сабабли уйғонган. У киши мени бир неча бор ўзи фаолият юритган Физика-техника институтининг Юқори энергиялар физикаси лабораториясига олиб борган. Илмий муҳит, лаборатория шароити, олимларнинг изланишлари менда катта таассурот қолдирган.

Табият ва техникадаги жараёнларнинг қонуниятларини тушунириб берадиган фундаментал фан бўлган физикани мактаб давридаёқ чуқур ўрганишга қарор қилганман. Айниқса, ядро физикаси материянинг тузилиши ва хоссаларини энг кичик – ядролар, протонлар, нейтронлар ва уларнинг таркибидаги элементар зарралар, яъни кварклар миқёсида ўрганиши билан ниҳоятда сирли ва жозибали кўринган. Ушбу зарралар ўртасидаги кучли ядровий таъсир қонуниятларини англаш менга катта илмий қизиқиш бағишлади.

Ядро физикаси ядровий тўқнашларда ядроларнинг бошқа ядроларга айланиши, уларнинг парчаланиши, шунингдек, юлдузларда кечадиган термоядровий реакцияларда енгил ядроларнинг бириктириб, оғирроқ ядроларни ҳосил қилиши каби жараёнларни ўрганади. Масалан, атом электр станцияларида электр қуввати уран ядроларининг нейтронлар билан тўқнашуви натижасида парчаланишидан ажралиб чиққан улкан энергия ҳисобидан олинади. Қуёш энергияси ҳам марказида кечадиган термоядровий реакциялар – протонларнинг гелий ядроларига айланиши натижасида ҳосил бўлади.

– **Айни пайтда қандай илмий лойиҳалар устида ишляясиз? Бугунги фаолиятингизнинг асосий йўналишлари қайси?**

– Ҳозирда шоғирдларим билан Швейцариядаги Катта адрон коллайдердаги юқори энергияли оғир ядролар тўқнашувларига оид катта ҳажмдаги экспериментал маълумотларни физикавий таҳлил қилиш билан шуғулланмоқдамиз. Фаолиятимиз Инновацион ривожланиш агентлиги томо-

нидан молиялаштирилмоқда. Ушбу маблағлар ҳисобидан институтимизнинг Юқори энергиялар физикаси лабораториясида юқори тезликда ишлайдиган, кучли ҳисоблаш қувватига эга замонавий ҳисоблаш кластери ташкил этилди. Бу орқали мураккаб назарий моделлар ва ҳисоб-китобларни онлайн амалга ошириш имкониятига эга бўлдик.

Тадқиқотларимиз юқори энергияли ядровий тўқнашувлар натижасида ҳосил бўладиган ўта иссиқ ва зич материя, хусусан, кварк-глюон плазманинг термодинамик ва гидродинамик хусусиятларини ўрганишга қаратилган. Илмий натижалар нуфузли хорижий журналларда чоп этилмоқда. Ҳозирга қадар халқаро даражадаги манбаларда



109 та илмий мақолам эълон қилинди.

Илмий фаолиятимиз давомида Германиянинг Бонн университети ҳамда Покс-тондаги COMSATS университетига 8 йил тадқиқот олиб бордим. Шу билан бирга, профессор сифатида талабаларга ядро физикаси ва ҳисоблаш физикаси фанларидан маърузалар ўқидим.

Илмий раҳбарлигим остида 4 нафар шоғирдим юқори энергияли ядро физикаси соҳасида PhD диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган. Айни пайтда эса 3 нафар базавий докторант раҳбарлигимда илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Юқори энергияли ядро физикаси соҳасида Хитой, Россия, Қозғоғистон, Покистон ва Бразилия олимлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу мамлакатимиз илм-фани нуфузининг ошишига хизмат қилади. Шу билан бирга, ёш олимлар ва докторантлар учун илғор илмий билим, амалий кўникма ва халқаро тажриба орттириш имкониятини яратди.

– **Физика-техника институти ҳаётида янгиликлар борми? Қандай илмий йўналишлар ва лойиҳалар устида иш олиб борилаётган?**

– Ҳозирда институтимизнинг 7 та илмий лабораториясида давлат бюджети ҳамда Инновацион ривожланиш агентлиги томо-

нидан молиялаштирилаётган лойиҳалар доирасида илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, 4 та фундаментал, 4 та амалий, 1 та инновацион ва 1 та Ўзбекистон-Беларус қўшма халқаро лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Тадқиқотлар асосан учта устувор йўналишни қамраб олади: яримўтказкичлар физикаси, қайта тикланувчи энергия манбалари ва юқори энергияли ядро физикаси.

Институтда буюртмалар асосида қуввати 40 Втдан 4 кВтгача бўлган кремнийли қуёш панеллари асосидаги фотоэлектрик қурилмалар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, ҳаво, тупроқ ва сувда радиоактив радон концентрациясини онлайн режимда ўлчайдиган миллий радонометр ускуналари яра-

рон микроскоп орқали таҳлил қилиб, уларнинг структураси ва элемент таркибини аниқлаб берди.

2016 йилга нисбатан 2025 йилда институтнинг давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш ҳажми тахминан тўрт баробарга ошди. Илмий ходимларнинг ойлик маошлари ҳам ўртача тўрт баробарга кўпайди. Шунингдек, PhD ва DSc илмий даражасига эга ходимларга илмий натижадорликка қараб мос равишда 30 ва 60 фоизгача устамалар тўланмоқда. Натижада 2025 йилда институт олимлари томонидан “Web of Science” ва “Scopus” базаларида индексацияланган журналларда чоп этилган мақолалар сони 2016 йилга нисбатан қарийб тўрт баробарга ошди.

ИЛМ ЯДРОСИ

Айни пайтда 25 нафар илмий ходимимиз мамлакатимиз олий таълим муассасаларида физика ва техника соҳасига оид фанлардан маърузалар ўқимоқда. Ҳар йили 100 нафардан ортиқ талаба институт лабораторияларида амалиёт ўтаб, магистрлик диссертациялари бўйича тадқиқот олиб боради.

– **Ўзбекистонлик ёш тадқиқотчиларнинг халқаро рейтинг ва нуфузли илмий журналлардаги фаоллигини ошириш борасида бугун қандай ишлар амалга оширилмоқда? Яна нималарга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайсиз?**

– Бу йўналишда 2017 йилдан буён Инновацион ривожланиш агентлигининг хорижий амалиёт дастури амал қилиб келмоқда. Мазкур дастур асосида танловдан муваффақиятли ўтган ёш олимлар давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетларида малака ошириш имкониятига эга бўлмоқда. Шу асосда улар замонавий илмий йўналишлар, илғор тадқиқот усуллари ва инновацион технологиялар билан яқиндан танишиб, орттирган тажрибасини Ўзбекистондаги илмий муассасалар ва университетларда жорий этяпти.

Ёш олимлар халқаро илмий майдонда янада мустаҳкам ўрин эгаллаш ва илғор

илмий тадқиқотларни амалга оширишлари учун, аввало, ўз мутахассислиги бўйича инглиз тилидаги замонавий дарсликлар ва илмий адабиётларни мунтазам ўқиб бориши, халқаро журналларда чоп этилаётган энг сўнги илмий натижалардан доимий равишда хабардор бўлиб боришлари талаб этилади. Замонавий илм тез суръатлар билан ривожланмоқда, шунинг учун глобал илмий ахборот маконидан узилиб қолмаслик муҳим аҳамият касб этади.

– **Бу борада, албатта, устозларнинг ўзи намуна кўрсатаётгани шубҳасиз. Бугун ядро физикаси бўйича жаҳон олимлари қандай илмий муаммолар устида бош қотирмоқда?**

– Соҳада ҳозирги кунда бир неча фундаментал ва амалий аҳамиятга эга долзарб муаммолар мавжуд.

Биринчидан, кваркларнинг нима сабабдан эркин ҳолда мавжуд бўла олмаслиги ва уларнинг протон ҳамда нейтронлар таркибида қандай тарзда боғланиши масаласи тўлиқ ва муқаммал тушунириб берилмаган. Бу муаммо квант хромодинамикаси доирасида ўрганилади ва кучли ўзаро таъсир табиатини чуқур англаш билан боғлиқ фундаментал вазифа ҳисобланади.

Иккинчидан, ўта оғир элементлар синтези муҳим йўналишлардан биридир. Хусусан, атом рақами 119 ва ундан юқори бўлган янги элементларни яратиш орқали Менделеев даврий jadвалини янада кенгайтириш ядро физикасининг муҳим илмий мақсадларидан бири бўлиб қолмоқда.

Яна бир йирик муаммо – бошқариладиган термоядровий синтезни амалга ошириш билан боғлиқ. Яъни, юлдузлар, жумладан, Қуёш марказида кечадиган термоядровий реакцияларни ер шароитида барқарор ва хавфсиз энергия манбаига айлантириш учун зарур физик ва технология муаммоларини ҳал қилиш талаб этилади. Шунингдек, коинотдаги нуклеосинтез жараёнларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, нейтрон юлдузларининг бирлашиши пайтида оғир кимёвий элементлар қандай ҳосил бўлиши масаласи замонавий астрофизика ва ядро физикаси кешишган нуқтадаги долзарб мавзулардан биридир.

Амалиёт нуктаи назаридан эса илғор ва хавфсиз ядро реакторларини яратиш, ядро чиқиндиларини самарали қайта ишлаш ҳамда тиббиётда ядро технологияларидан кенгроқ фойдаланиш каби вазифалар ҳам долзарблигича қолмоқда.

– **Суҳбат давомида Сиз раҳбарлик қилаётган муассаса йилдан-йилга жаҳонга бўйлашиб, унда глобал лойиҳаларни амалга ошириш босқичма-босқич йўлга қўйилганидан хабардор бўлдик. Уйлаймизки, санаб ўтилган мураккаб масалалар ечимида ўзбекистонлик олимлар ҳам муносиб ҳисса қўшади. Бу йўлда Сиз ва шоғирдларингизга сабр-тоқат, куч-қувват ва омад тилаб қоламиз!**

Васила ҲАБИБУЛЛАЕВА суҳбатлашди.



Бошланиши 1-саҳифада.

Давлатимиз раҳбари томонидан футболга мисли кўрилмаган эътибор қаратилмоқда. Юқори Чирчиқ туманида Миллий футбол маркази барпо этилди, мураббийлар малакаси, болалар футбол, вилоятлардаги академиялар фаолияти қайта кўриб чиқилди ва янги босқичга кўтарилди.

Халқаро муносабатлар яхши томонга ўзгарди. FIFA президенти Жанни Инфантино бир неча бор юртимизга ташриф буюрди. Тарихимизда илк бор FIFA мақомидаги турнир – футбол бўйича жаҳон чемпионати ўзимизда ўтказдик. Инфантино айтдики, бу тарихдаги энг яхши мундиал бўлди.

Мана, кейинги босқич – U-20 жаҳон чемпионати. Бу FIFAнинг нуфузи бўйича иккинчи ўринда турайдиган турнири. Бу ишонч. Инфантинонинг битта гапи ёқди бизга: “Биз лойиҳаларни тақдим этамиз ва бир йилдан кейин келиб кўрамыз, қани, лойиҳа қанчалик ишлаб кетди. Ўзбекистонга ҳар гал қайсидир лойиҳани топширганмиздан кейин келганимизда, ортиги билан бажарилган бўлади”. Яъни, Ўзбекистон FIFA кўз ўнгидеги ишончли ҳамкорга айланди. “2027 йилги футбол бўйича U-20 жаҳон чемпионати таяёрлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори имзоланиши ҳам ушбу фикрнинг ёрқин исботидир.

– Футболни тўпсиз, ўйинни шарҳсиз тасаввур қила олмаймиз. Ахбор Имомхўжаев, Давлат Турдалиев, Мирзахаким Тўхтамирзаев ва бошқа устозлар ўзбек футбол шарҳловчилари мактабини яратди. Бугун Сиз ва ҳамкасбларингиз аънанани давом эттиряпсиз. Изингиздан янги авлод ҳам спортга кириб келяпти. Ёш шарҳловчилар ҳақида нима дея olasиз?

– Мен ёш шарҳловчиларнинг имкониятларини юқори баҳолайман. Мисол учун, Ҳасан Турдалиев, Ориф Топилов каби

тайёр эмас эди. Шарҳловчи сифатида ижодимиз тўхтаб қолганди. Қийин пайтлар эди... Ҳозир футболимиз ҳам, шарҳловчилик малакамиз ҳам кўтарилди.

– Эфирдаги энг қийин вазият сиз учун қайси?

– Қийинчилик асосан терма жамоамиз ўйнаганда бўлади. Дейлик, қайсидир ўйинга, турнирга кетдик, мен икки-уч ҳафта шу жамоа билан яшадим, тайёргарлик кўрдим, уларнинг ички кечималарини кузатдим, ҳар бир футболчининг шахсиятини ўргандим. Ички дунёсини биламан, муаммосини биламан, юриш-туришини, ҳаммасини биламан-да, ўша кайфиятнинг ҳаммасини йиғиб туриб, стадионга кираман. Агар ўшанда футболчининг ҳаракати ўшамаса, жамоамиз ёмон ўйин кўрсатса, мағлубиятга учраса, худди ўзим ўйнаб ютказгандек бўлардим.

– Яхши шарҳ нимадир ўз ичига олади: ҳиссиёт, билим ёки мувоzanат?

– Санаганларингизнинг уйғунлиги билан яхши шарҳ ҳосил бўлади. Биттаси зўр бўлиб, биттаси кам бўлса ҳам, шарҳ суст чиқади. Фақат билимдан келиб чиқиб маълумот бериб ўтирсангиз, статистикага айланиб қолади, бу аудиторияни зериктиради. Фақат эмоцияга берилсангиз, одамларни чарчатиб қўясиз. Мувоzanат бузилиб кетса, шарҳ сифати тушиб кетади.

– Шу ўринда шарҳда ажнабий сўзлар ишлатилишига қандай қарайсиз?

– Бу ерда чегарани аниқлаб олиш керак. Дунё қабул қилган халқаро атамалар бор. Буни мухлислар оддий ҳаётда ҳам қўлайди. Атамаларни замонавий футбол асосчилари – инглизлар ўйлаб топган, асрлар давомида сақланиб келиб, ривожланган. Уларни истасанг-истамасанг, биз ҳам қўлаймиз.

Фикр изоҳлашда адабий тилдан фойдаланишимиз шарт. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин футболдаги баъзи вазиятларга таъриф беришда халқаро атамалар қўл келади. Улар муқобил, синоним ёки янада аниқ ифодада берувчи восита сифатида келиши керак шарҳда. Масалан, офсайд деймиз. Агар



шоғирдларимиз мухлислар меҳрини қозонмоқда. Ўзига яраша аудиторияси бор, фаол ижод қилишяпти, катта ўйинларни юқори даражада шарҳлаб боришяпти.

Салоҳият кўтарилгани учун вақт керак. Устозларимиз: “Шарҳловчи тўлиқ шаклланиши учун камиде беш йил кетади. Шунда ҳам бу даврда тинимсиз меҳнат қилиб, ўзини шу соҳага бағишласангиз”, деб айтган. Бу қўшимча машғулот эмас. Жараёнда катта аудитория билан ишланади, узлуксиз импровизация талаб этилади. Шунинг учун ёш ижодкор диққатини айнан спорт журналистикасига қаратса, илм орқали шарҳловчиликка кириб келса ва танқидга тоқатли, камчиликларини бартараф этиш хусусиятига эга бўлса, беш йилдан кейин одамлар унинг овозини, фикрларини қабул қилишни бошлайди.

Бурунги ва бугунги шарҳларда фарқ катта. Устозлар: “Бизнинг давримиз қийинроқ эди. Чунки Интернет йўқ эди, маълумотларни газеталардан олардик”, дейишди. Битта жонли эфир учун шарҳловчи ҳафтада тайёрланган. Шунга яраша, уларнинг шарҳини бутун мамлакат эшитган. У пайтлар оммавий ахборот воситалари ичида телевиденининг мавқеи энг баланд даражада бўлган. У шароитда ишлаб туриб, юқори натижа қайд этган ижодкорларни ҳар қанча эътироф этсак арзийди.

Етишиб чиқаётган ёш авлод учун эса замонавий ахборот технологияларининг ижобий ва салбий томонини кўрапмиз. Ҳозир шарҳловчининг қўлида мавжуд маълумот мухлисда ҳам бор. Демак, томошабинни ҳайрон қолдириш, меҳрини қозониш қийинлашди. Танилиш осон, аммо аудиторияни ушлаб қолиш, рақобатга дош бериш қийин. Чунки танлов катта, жуда кенг аудитория интернет орқали медиа маҳсулотларини истеъмол қилади, кузатиб боради. Бунақа шароитда телевиденида футбол шарҳлаб туриб, медиа оламида катта номга, обрўга эга бўлиш қийинлашади. Шарҳловчининг фикрини қабул қилишга тоқат пасайди. Гаплари одамлар бадиға урмаслиги учун шарҳловчи жуда ҳам аниқ гапириши, нуктадон бўлиши керак.

– Ўзбекистон миллий терма жамоаси халқимиз узоқ кутган орзусини рўёбга чиқариб, Жаҳон чемпионатининг йўлланмасини кўлга киритди. Энди натижа кутса бўладими?

– Энди мақсад – жаҳон чемпионатида муносиб қатнашиш, Осиё кубогини кўлга киритиш. Жаҳон билан бирга қитъани келтиришим бежиз эмас. Биз Осиё кубогини ютмаганмиз. Осиё ўйинларини ютганмиз, лекин у бошқа масала.

2025 йилда чет эллик журналистларнинг ўзбек футболини ёритиш соҳасида катта тўлқин кўтарилди. Ўзбекистон жаҳон футбол эътиборига тушди, футболчиларимизга қизиқиш ортди. Бу орқали кўп мамлакатлар ўзи учун Ўзбекистонни қайта кашф қилди. Кузатсангиз, қўшни давлатларнинг кўрсатувлари, подкастларида кўпинча ўзбек футболини муҳокима қилишди. Европада “ўзбек футболчи”, “ўзбекистонлик спортчи” деган бренд шаклланди. Элдор Шомуродов, Абдуқодир Хусанов каби ёшларда ишончли, меҳнаткаш, камтар, интизомли футболчи образи кўриляпти.

– Бу борада мухлислар қўллаб-қувватловининг ҳам ўрни бўлса керак...

– Албатта! Бусиз иложи йўқ. Мухлислик янги даражага чиқди. Андижон фан-клубининг фаолияти бошқа клубларни ҳам жонлантириб юборди. Самарқанд, Наманган, Фарғонадаги стадионларда биз мухлислар нафақат фаоллашгани ёки кўпайганини, балки улар тартиб билан мухлислик қилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Ўйин пайти айтиладиган қўшиқлари, перформанс, бир хил форма, плакатлар, ҳаммаси синхрон бўляпти.

Биз шунақа даврларни ўтказдикки, умуман, эфир йўқ, ҳафта давомида футбол шарҳламаган пайтларимиз бўлди. Трансляцияларни фақат расман сотиб олиш шарти қўйилганидан кейин ҳаммаси бирданига тўхтаб қолди. Чунки бизнинг каналлар катта маблағлар йўналириб, халқаро трансляцияларни олишга

“ўйиндан ташқари ҳолат” десак, бу бир неча сония вақт олади. Футболда лаҳзалар катта рол ўйнайди. Фикрингизни ўша онда айтишга улгурмасангиз, кейинги эпизод бошланиб кетади, кеч қоласиз. Бунга иборалар 30-40 та, алмаштириб-алмаштириб, муқобил сифатида ишлатамиз.

Агар бу борада ҳурматли олимлар, ижодкорлар, зиёлилар кўмаклашса, ўзбекча ифода услулари ва айни ҳолатга мос сўзларни топиб, муомалага киритишда ёрдам берса, хурсанд бўлар эдик.

– Футбол шарҳида танқид ва ҳурмат чегараси қандай бўлиши керак?

– Юз фоиз ҳурмат чегараси бўлиши керак. Танқиднинг ҳам ўрни бор, фақат билим ва холисликка таянганда.

Шарҳловчини субъектив ёндашувни байроқ қилиб олиши нотўғри. Дейлик, жамоа йирик ҳисобда ютқазди, унинг мағлубиятини таҳлил асосида танқид қилиш мумкин. Лекин икки футболчи иштирокидаги баҳсли эпизодда ҳакамнинг қарорини ҳурмат қилиш керак. Бу битта мисол. Ҳис-туйғуларга эрк бериб, ўзгалар эмоцияси билан ўйнашиш керак эмас. Ҳақоратга ўтиш ҳар қандай вазиятда бизга тўғри келмайди.

Шунингдек, шарҳловчи мухлислик маданиятини ривожлантиришга ёрдам бериши мумкин ёки аксинча.

– Ўзбек футболининг келажаги ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдик.

– Биринчи навбатда жаҳон чемпионатини яхши ўтказиб олиш керак. Рақиблар жиддий. Португалия ҳамда Колумбия кўчаларида энг кучли жамоалардан. Учунчи жамоа март ойида аниқланади. Бунда Ямайка билан Конгонинг имконияти юқори баҳоланапти. Гуруҳдан муваффақият билан чиқиш учун курашишимиз керак. Шунинг учун Фабियो Каннаваро – жаҳон чемпионатлари таърибига эга бўлган мутахассис тақлиф этилди. Қийин бўлган тақдирда ҳам, кучимиз етади.

Қолаверса, ўзимизни аутсайдер ҳис қилишимиз керак эмас. Олдин кучли жамоалардан қўрқардик, ҳозир унақа нарса йўқ. Мана, Миср билан ҳам яхши ўйин кўрсатилди, Уругвай билан ҳам анча яхши ўйнади. Ундан олдин ҳам кучли терма жамоалар билан галабалар қайд этилди. Ўзимизнинг қийин рақиблар бўларди, дейлик, Эрон. Уларни ҳам энгиб ўтдик. Ўйлайманки, ҳозирги тарихимизда ҳеч қандай ҳайқириш йўқ, ҳатто Португалиядан ҳам. Тўғри, гуруҳимиз фаворити ва ўйин даражаси нукта назаридан биздан устун туриши мумкин. Бироқ биз тўғри тактика танлашимиз керак.

Энг муҳим ўйин – биринчи учрашув. Колумбияга қарши старт биз учун жаҳон чемпионати дебюти. Рақиб эса сўнгги пайтларда Аргентинани, Бразилияни ютган салоҳиятли жамоа. Унга қарши муносиб ўйин кўрсата оласангиз, у ёнига чўшиш бўлмайди, ўйлашимиз.

Биз, албатта, гуруҳдан чиқамиз деб умид қиламан. Мабодо чиқолмасангиз, барибир, муносиб ўйин кўрсатиш керак. Жамоа соҳилиб кетмаслиги асосий вазифалардан бири. Мен бу жамоани ичидан биламан, футболчиларнинг имкониятини биламан, руҳиятини биламан. Ўйлайманки, бардам туришди.

– Биз ҳам юксак галабаларга, энг муҳими, ўзига бўлган ишонч тантанасига тилақдошимиз. Самимий сўхбат ва некин кузатувлар учун раҳмат! Олий даражадаги ўйинларда юртимиз галабасини баланд пардаларда эълон қилиш бахтини тилаймиз! Сизнинг ҳам муштарийларга тилақларингиз бўлса, марҳамат...

– Сўхбатга тақлиф этганингиз учун ташақкур! Имкониятдан фойдаланиб, юртолларимизни, футбол мухлисларини муборак Рамазон ойи билан табриқлайман! Эзгу дуолар ижобат бўлсин!

Сўхбатдош:
Зарнигор ИБРОҲИМОВА

ТАҚВИМ



ЮЗ ЙИЛЛИК ҚУРУЛТОЙ

Бундан роса юз йил муқаддам туркий дунё олимлар биринчи туркология қурултойини ўтказиш учун Бокуда жам бўлди.

Бу тарихий анжуман Озарбайжон пойтахтида 1926 йил 26 февралдан 6 мартгача бўлиб ўтади. 131 нафар делегат иштирок этган, тўққиз кун давом этган анжуманда 17 та мажлис ўтказилиб, 38 та маъруза тингланади. Унда туркий тилларнинг алифбо ва тил масалаларига оид етти йирик муаммо муҳокама қилинади.

Қурултой муносабати билан буюк Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини тантанали нишонлаш учун ўн кишилик комиссия тузилади. Бу тарихий тадбирга ҳам кенг миқёсда тайёргарлик ишлари олиб борилади. Алишер Навоийнинг “Вақфия”, “Муншаот” асарлари, “Мир Алишер Навоий” номли мақолалар тўплами ҳамда Султон Хусайн Бойқаронинг “Девон”и нашр этилади. Табиийки, қурултойга қадар ҳам Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди хусусида Озарбайжоннинг вақтли ва илмий нашрларида Исмоил Ҳикмат, Али Нозим, Мирза Муҳсин Иброҳим, Салмон Мумтоз, Бекир Чўбанзода каби олимларнинг мақолалари босилган эди.

Боку қурултойи олдиндан Ўзбекистонда ҳам бу анжуманга ҳозирлик кўриш ва Алишер Навоий юбилейини ўтказиш масалалари муҳокама қилинади. Жумладан, жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд “Ер юзи” журналининг 1925 йил 3-сонига босилган “Навоий учун” мақоласида ёзади: “Навоийни таннимагон бир ўзбек бўлмас керак. Эскиларимиз ва эски мактабларимиз газалари билан, янгиларимиз ва янги мактабларимиз суратлари ва шахсияти билан танишдирилган... Навоий турк тилини тиргизган ва чигато адабиёти деган бир адабий мактабнинг бу кунгача яшамоғига сабаб бўлган бир кишидир. Шунинг учун уни танитмоқ, уни тақдир этмоқ бутун турклар учун биз вазифадир. Мана шу ҳолни назарга олиб, бу кун турк дунёсининг ҳар ерида – Туркияда, Озарбайжонда ва бизда уни эслаб йиллик тўйини ўтказмак истайдирлар”.

Муаллиф юбилейга тайёргарлик ҳақида ҳам маълумот беради: “Балки 1926 йил февраль ойида бўладургон қурултой турк дунёсининг буюк шоири ва тил мутахассиси Навоийнинг 500 йиллигига тўғри келиб қолганидан Бакуда катта бир тантана берилса керак. Турк олимларидан Кўпрулузода Фуод ва Чўбанзода ўртоқлар бу тўғрида фикрларини ёзиб ўтдилар. Ўзбекистонда ҳам бу юбилей феврал сўнгларида, март бошларида ўтказилса керак; бунинг учун катта ҳозирлик кўришмоқдadir”.

Туркий жумҳуриятлари Боку қурултойига ҳозирлик кўраётган кун паллада ўзбек матбуотида ҳам бу анжуманга тегишли хабарлар, режалар босилиб туради. Вадуд Маҳмуд “Тил ва ҳарф масалалари” (“Маориф ва ўқитғувчи” журнали, 1925 йил 5-6-сон) мақоласида шундай фикрларини ёзади: “Бу кун турк дунёсининг энг муҳим масалаларидан бири ҳар ерда кўтарилмакда бўлган тил ва ҳарф масалаларидир”. Муаллиф туркий тилларнинг умумий ёзувида доир қарашларни дастлаб Исмоилбек Фаспрати ўртага ташлагани ва XX асрнинг 20-йил-

ларида бу ташаббус билан “Турктор олмилий сарфи”, “Турк-тортор лисониятина маҳдал” отли илмий нарсалар эгаси Қрим дорулфунуни мударриси дўқтур Чўбанзода” машғул эканини эслаб ўтади.

Вадуд Маҳмуд яна ёзади: “Машҳур прўфессур С.Самойлович ҳам шу фикрдадир. Бу фикр тарғабдорлари турк миллатининг маданиятига кириш учун “тил бирлиги”ни энг биринчи омил деб биладир. Прўфессур Самойлович Ленинград шарқ дорилфунунида, Чўбанзода Қрим ва Қарқосда олий мактаб талабаларига шу фикрни талқин этмақдadirлар. Бу масалалар олий, илмий ихтисос муассасаларида жиддий суратда текширилмакга бошланғондир”.

Тил ва ҳарф масалалари таҳлили ва талқинига муносабат билдирган Вадуд Маҳмуд масалани Боку қурултойига боғлаб ёзади: “Илова ўлароқ шуни-да билдирайликки, Бакуда йиғилмоқчи бўлгон бутун дунё туркшунослар қурултойи шу масалаларнинг кўтариш натижасидир ва бунда бизнинг ичечилмаган туғунларимиз ҳал қилинса керак. Агарда бу қурултой бизнинг эҳтиёжимизни тузук тунушиб, амалага ошириши мумкин бўлгон фойдали йўللار кўрсатса, бизнинг маданий ҳаётимиз учун биринчи “ёрдамчи” моҳиятини қозонгон бўладир”.

Кейинчалик Вадуд Маҳмуд “Туркиёт қурултойи” деган алоҳида мақола ҳам ёзади. Маънавий оламда миллатнинг ўз аслиятини сақлаш эҳтиёжи “ғарбиёт”, “русийёт”, “шарқийёт” сингари тушунчаларни юзага чиқарган. Шуларга ўхшаш Вадуд Маҳмуднинг ёзишича, туркиёт, туркология тушунчалари “туркни танитмоқ илми” маъносини англатади.

“Туркиёт илми ғарбда ва бизда бошқа-бошқа эҳтиёжлар орқали туғилди. Ғарб миллатлари илмга хизмат учун, балки биздан истифода этмак ва бизни яхшироқ-осонроқ идора этмак учун иш бошладилар. Биз эсак ўзимизнинг кимлигимизни билмак ва бошқалар орасида мавқеимизни билмак учун қирашдик; бизнинг бу илмимиз икки жиҳатдadir: бир ёқдан билимга хизматдир, иккинчи ёқдан ўзимизни билмақдир”.

Ҳар илми илгари суриш учун мутахассисларнинг бир-бирлари билан муносабатда бўлишлари, хабарлашиб туришлари кўб ёрдам берадир, бу кунги туркшунослар бир-бирларининг ишлари билан танишиш ва келгуси ишларининг планларини чизмак истаганларидан биринчи ўлароқ бул туркиёт қурултойи чакришга қарор бергандир” (Вадуд Маҳмуд, “Туркиёт қурултойи” мақоласи, “Маориф ва ўқитғувчи” журнали, 1925 йил, 11-сон).

Туркий дунё олимларининг ўзаро ҳамкорлиги масаласи учун Боку қурултойи алоҳида қиймат касб этиши табиий эди. Турк дунёси олимлари ва туркиёт билан шуғулланадиган мутахассислар бу қурултойда тил ва адабиёт тарихи, дин ва маданият тарихи тўғрисида маърузалар қилиши режалаштирилади.

Қурултойга вакиллар юбориш масаласи ҳам маҳаллий зиёлиларнинг йиғилишларида кўриб қилинади. Қурултойда Ўзбекистон Илмий Кенгаши раиси Абдурашид Абдулжабборов раҳбарлигида унинг ўринбосари Ғози Олим Юнусов, самарқандлик журналист Раҳим Инъомов, Тошкентдан тилшунослар Машрақ Юнус ўғли Элбек ва Шокиржон Раҳимий, Фарғонадан

тилшунос, журналист Ашуралӣ Зоҳирӣ, хоразмлик тилшунос Беқжон Раҳмонов, Бухордан тилшунос Исмоил Садрий ва бошқалар қатнашади.

Шокиржон Раҳимийнинг анжумандан кейинги хисобот маърузасида айтилишича, қурултойда Мажористон, Олмония, Туркия мамлакатларидан олимлар қатнашган, жумладан, академик Бартольд, профессор Монтал, академик Олдинбург, профессор Муҳаммад Фуод Кўпрулузода, Самойлович, Малов, Бекир Чўбанзода каби туркологлар қизиқарли маърузалари билан бир неча марта лаб минбарга кўтарилди (Шокиржон Раҳимий, “Туркиёт қурултойининг яқунлари”, “Қизил Ўзбекистон”, 1926, 14 май). Режага мувофиқ, лотин имлосига ўтишининг тамал тоши ана шу анжуманда қўйилди.

1926 йили Бокуда нашр қилинган “Мир Алишер Навоий” номли мақолалар тўплами муқаддимасида шундай фикрлар баён қилинган эди: “XV асрдаги туркий тилли адабиётнинг энг муҳим сиймоларидан бири Навоий эканини қайд этиб, китобчада чоп этилган илмий ишларда унинг шахсияти ва адабий фаолияти юз саҳифадан ортққ ҳажмда кенг тарзда тадқиқ этилди”.

Қурултой арафасида Султон Хусайн Бойқаронинг “Девон”и ҳам Бокуда нашрдан чиқади. Китобга Исмоил Ҳикмат ва Бекир Чўбанзодининг “Хусайн Бойқаро: ҳаёти ва ижоди” ҳамда “Хусайн Бойқаро “Девон”и” номли мақолалари киритилган эди.

Бекир Чўбанзода Хусайн Бойқаронинг “Девон”ини нашрга тайёрлар экан, ўзбек адабиётининг таниқли намояндаларидан бири Абдурауф Фитратдан олинган маънадан фойдалангани ҳақида “Сўзбоши”да қайд этиб, шундай ёзади: “Бу нусха ўзбек шоир ва адибларидан бўлган Фитратнинг кутубхонасидаги нусхадан бизнинг илтимосимизга кўра кўчирилган. Фитрат дўстимизда кўрган кўлём нусха ёзув жиҳатидан жуда очиқ ва чиройли бўлса-да, ундан тайёрланган нусха жуда ибтидоий ёзув билан кўчирилган. Бунга сабаб бизнинг шошланишимиз бўлса керак. Ҳар ҳолда, жуда катта меҳнат қилиб биз учун бу нусхани кўчиртириб берган Фитрат дўстга “Раҳмат, соғ бўл!” дейиш бизнинг бурчимиздир”.

Қурултой туркий тилларга доир масалалар муҳокамаси, адабий-илмий алоқалар ривожини, муҳими, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини биргаликда ўрганиш ҳамда омма-лаштириш учун ҳам улкан қийматга эга эди.

Дарвоқе, Боку қурултойидан кейин лотин ёзувида ўтиш ҳаракати тобора оммавийлаша борди. Лойиҳалар эълон қилинди, миллий жумҳуриятларнинг ҳар бири ўзларида бу ёзувга ўтиш масаласини муҳокама қилди, анжуманлар уюштирди. Махсус расмий қарорлар чиқариш, вақтни белгилаб, шарт қўйиш даври ҳам яқинлашиб қолди. 1929 йили туркий жумҳуриятларнинг кўпчилиги, жумладан, Ўзбекистон лотин имлосига ўтди.

Боку қурултойи муносабати билан туркий дунё олимлари томонидан ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ҳамкорликда атрофли-ча тадқиқ этиш аънанаси бугун ҳам давом этаётгани қувонарлидир.

Алмаз Улви БИННАТОВА,
Баҳодир КАРИМ



Бошланиши 1-саҳифада.

Сизни соғиндим, Зулфия опа

Ўйлаб қарасам, Зулфия опа ўзининг шеърлари билан, ибодили ва ҳаёли феъл-атвори билан, покиза эътиқодлари-ю, зукко фикрлари билан менинг ҳаётимда катта ўрин олган, маънавий дунёнинг катта бир қисмини ташкил қилган инсон бўлган экан.

У киши шундай улусифат аёл эдиларки, ҳар гал рўпара келганимда дарров хушёр тортар, кийим-кечакларимни тўғрилар, қадалмай қолган тугмаларимни қадар, сочларимни (ҳа, ҳа, сочларимни – бир замонлар бу тақир бош устида қоп-қора қалам сочлар ҳам бўлар эди) текислаб олардим – хуллас, у кишининг кўзига ҳар жиҳатдан ораста бўлиб кўринишга тиришардим. Мен Зулфиянинг номини уруш йилларидаёқ эшитган, унинг “Ҳижрон” деган шеърини тўпламини, “Уни Фарҳод дер эдилар” деган достонини ёд олиб, кўп жойларда ўқиб юрардим. Яқинроқдан танишиш кейинроқ насиб қилди.

1962 йилда Қозғистонда ўзбек адабиёти декадаси бўлди. Декадага мен ҳам бордим. Самолётда Зулфия опа билан ёнма-ён ўтириб қолдик. Ҳар хил мавзуларда гурунглашиб, йўлнинг танобини тортиб бордик. Гап орасида Зулфия опа ярим ҳазил, ярим чин маъносидан бирдан сўраб қолдилар:

– Озодхон, нега сиз менинг шеърларимни тўғрисида ҳеч нарса ёзмайсиз? Еки ёқмайдимми?

Мен дудуқлиб нималардир деб жавоб бердим, лекин ўйланиб қолдим – дарвоқе, нима учун шу пайтга қадар Зулфия опа ҳақида ҳеч нарса ёзмадим? Яхши ижодни пайқамасанг, қувониб тарғиб қилмасанг, сенинг танқидчилигинг қаёққа боради? Шовшма, сен Зулфия шеърларини ўқигансан, албатта, лекин уларни ўқанганим, бу шеърлар орқали шоирнинг қандай инсон эканини билиб олганмисан? Очиғини айтганда, ўша декада мен учун Зулфияни ҳам кашф қилиш декадаси бўлди.

Аэропортга кўнишимиз билан қозоқ дўстларимиз бизни кучоқ очиб қутиб олишди – аллақачон Собит Муқанов Фафур Гуломни кучоқлаб олиб, унга нималарнидир уқтирди. Фафур ака чуст дўпписини яримта кийиб олиб, Собит огага соф қозоқ тилида бир нарсалар деяпти. Сочлари оппоқ оқарган, новча бўйли Абдулла Тожибоев ҳасасанин сермаб, Миртемирнинг теварагидан гирдиқалапак. Тава, мен қозоқ ва ўзбек ёзувчиларининг иноқлиги, ижодий ҳам-қорлиги тўғрисида кўп эшитган эдим-у, бунақа самимиятни, бунақа яқинлиқни кутган эдим.

Мен машинада Зулфия опа билан бирга ўтирдим. Бизга Турсунхон Абдураҳмонова деган қозоқ шоираси ҳамроҳ бўлди. Турсунхон бу йил саксон ёшга тўлар экан. Умри узоқ бўлсин, юзга кирсин. Лекин мен бу шоиранинг саксонга кирганини ҳеч тасаввур қилолмайман. У очик чехрალი, хушсуврат, ўта дилбар бир аёл сифатида эсда қолганди. Зулфия опани билар экан, бир зумда кувноқ гурунқ бошланди. Турсунхон яхши шеърлар ёзиш билан бирга жуда чиройли кўшиқлар ҳам айтар экан. Манзилга тегиб борганимизча, уч-тўртта ажойиб ўланни қоралаб ташлади.

Қозғистон диёрида кўп учрашувлар бўлди, ҳар учрашувда Зулфиянинг номи аллоҳида тилга олинган, ундан шеър ўқиб беришини талаб қилишар-

ди. Қозоқларнинг бизнинг шоирамизга муҳаббати шу қадар чўнг эканики, бирикки жойда у фавкуллода ўзига хос тарзда намён бўлди. Сафар давомида биз Кўкчатова бордик. Бениҳоя гўзал маскан экан. Чиройли қарағайзорлар теварак-атрофга муаттар ҳидлар таратади. Енгил туман ичида элас-элас кўринаётган тоғлар ҳавода муаллақ турганга ўхшайди. Лекин Кўкчатовнинг довруғи тоғлари-ю, ўрмонларида эмас, кўлларида экан. Бир вилоятнинг ўзида катта-кичи сақонга кўл. Сувлари тиник, бамисоли кўзгуга ўхшайди. Унда соҳилдаги дарахтлар ҳам, тип-тиник осмон ҳам акс этиб, ўзгача жозоба касб этган. Айниқса, Ойнакўлни гўзаллиги ҳар қандай таърифдан юқори. Қирғоққа яқинроқ жойда сув ичидан каттагина қояш чикиб турипти. Бу тош дарҳол сув париларини эслати – бунақа гўзал кўлда, кўлдан-да гўзал сув парилари,

лиштипти. Хуллас, тўйиб дийдорлаштипти. Балиқчилар кўп машаққатлар чекиб, шоирага совға қилиш учун икки метр келадиган осетра балигини ушлаб қўйишган экан. Бояги чиптага ўралган узун нарса осетра балиғи экан. Билмадим, кейин балиқ нима бўлди – Тошкентга олиб келишимми ё ўша ерда қолиб кетдимми? Лекин бунинг аҳамияти йўқ эди. Мухими, қозоқ меҳнаткашлари шоирага бўлган ҳурмат-эҳтиромини ифодалашнинг гоят инсоний ва оригинал йўлини топишган эди.

Ўшанда қозоқ дўстларимизнинг Зулфияга муносабатини кўриб хижолат тортиб кетдим – шоиранинг довруғи шунчалик бўлса-ю, танқидчилар у томонга бир қиё боқмаса?

Кейин Ўзбекистонда ҳам Зулфиянинг ижодий кечаларида кўп қатнашдим. Яйпанда, Полда, Марғилонда, Тошкентда. Кўжондаги бир учрашув ҳам



бўлса не ажаб. Энг қизиқ воқеа бироз кейин – тушлик вақтида рўй берди. Тушлик шеърхонлиқка, шеърхонлик қўшиққа уланиб кетди. Гурунқ авжи қизиб турган бир пайтда қозоқ шоирларидан бири туриб, Зулфияга бағишлаган шеърини ўқиб берди. Унда шоир бояги таърифи кетган Ойнакўлни Зулфияга тортиқ қилган эди. Гарчи бу совға рамзий бўлса-да, Ойнакўлни кўтариб кетишнинг илоҳи бўлмаса-да, ҳаммамизни жуда хурсанд қилди.

Бир-икки кундан кейин Балхашга бордик. Кундузги учрашувлардан кейин бироз дам олиб, оқшомги адабий кечага жўнашимиз керак эди. Бирдан Зулфия опа гойиб бўлиб қолдилар. У кишининг қаерда эканини ҳеч ким билмайди. Мезбонларимиз эса мийиғларида сирли қулиб, “жавотир олманглар, келиб қоладилар” деб бизни тинчитган бўлишди. Дарҳақиқат, қоронги тушганда Зулфия опа кириб келдилар – у кишининг ёнида чипта қопга ўралган узун нарса кўтариб олган учта одам бор эди. Маълум бўлишича, улар Балхаш балиқчилари экан. Зулфия опа билан учрашувга кўлдан бери мушток эканлар. Шоиранинг Балхашга келишини эшитиб, шоиранинг ўзи билан гаплашиб, уни денгизга ўхшаган улкан кўл бўйига олиб кетиштипти. Шеърхонлик бўлипти. Кўшиқлар қуйлаштипти. Балиқхўрлик қи-

гоятда мароқли бўлган эди. Қўжонликлар шоирага сиёҳдон совға қилишди. “Бу Нодирабегимнинг сиёҳдони. Нодирабегим сизга қаламини ҳам мерос қолдирган. Сиз Нодирабегимнинг сиёҳдони. Нодира айтолмай кетган қўшиқлар сизнинг қаламингиздан тўқилсин”, дея лутф қилишди. Зулфия опанинг довруғи бутун жаҳон бўйлаб таралган эди. Қайсин Қулиев, Давид Қуғултинов, Муштай Карим каби улкан санъаткорлар унинг яқин дўсти эди. У халқаро “Нилуфар” ва Неру номидаги муқофотларнинг соҳибаси бўлганди. Лекин муқофоту унвонлар орасида битта унвоф бор эдики, бу билан Зулфия опа аллоҳида мағрурланарди. У Ўзбекистон халқ шоираси эди. Шунинг учун бўлса керак, “Бахтим шул, ўзбекнинг Зулфиясиман” дея хитоб қилганди. Мен, албатта, Зулфия опа ҳақида ёздим, унинг тўғрисида бир адабий портрет яратдим, янги шеърини китобларига тақриз ёздим, мақолаларда унинг тўғрисида мулоҳазалар юритдим. Лекин айтмоғим керакки, менинг ёзганларим бу улкан шоиранинг ижоди олдида урвоғ ҳам бўлолмайди. Мен унинг нафосатини, гўзаллигини, фикрий бойлигини кўнгилдагидек, ўша шеърятга муносиб тарзда очиб беролган эмасман. Мана ҳозир ҳам ёзганман-у, лекин қаламим эски ўрганиб қолган маддоҳлик йўлига тойиб кетаётганини сезиб

турибман. Нечундир менинг тасвиримда Зулфия опа фашишта мисол бўлиб чиқяпти. Ҳолбуки, у инсон эди ва ҳар қандай инсон ҳаёт йўлида дуч келадиган ҳамма синовлар, машаққатлар, изтироблар унинг ҳам бошига тушган эди. Кўпгина шеърларида Зулфия опа ўзининг “кемтик бахти” ҳақида гапирди. Умрининг сўнгида ёзган “Хотирам синиқлари” достонидан эса ўша машаққатлар тўғрисида бениҳоя мардоналик билан ёзади. Бу асар теранлиги ва мардонворлиги билан менга Анна Ахматованинг “Марсия” (“Реквием”) деган асарини эслатади.

Шоиранинг шеърлари ҳақида, уларнинг латофати, инсоний жозибаси, теранлиги тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин. Лекин мен бугун бошқа бир саволга жавоб излаяман – Зулфияни одамларга ардоқли қилган, адабиётимизнинг ёрқин юлдузларидан бирига айланган, XX асрнинг буюк аёллари қаторига қўшган асосий омил нима? Менимча, бу унинг эътиқоди, жуда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлари, дили билан тилининг бирлиги, шеърларида мадҳ этган инсонийлик, вафо, садоқат ва диёнат деган нарсаларга ўзи ҳаётда оғишмай амал қилганида. Истеъдод улуг неъмат, лекин истеъдоднинг ўзи билан иш битмайди, шекилли. Минг афсуски, бизда айрим истеъдодли шоирлар ва шоирлар бор, бироқ улар ўзларининг истеъдодларига берилиб кетадилар-у, шунга яраша инсон сифатида ҳам улуг бўлиш кераклигини унутиб юборадилар. Бунақа одамнинг ижоди бирон-бир тайинли қимматга ёхуд салмоққа эга бўлолмаслиги ўз-ўзидан аён. Зулфия опанинг ибрати шундан далолат берадики, ҳар қандай истеъдоднинг ёнига инсоний фазилатлар қўшилишига, ижод муайян салмоқ касб этади. Бунга эса бутун умр бўйи давом этадиган машаққатли меҳнат билан, астойдил жон қуйдириш билан эришилади. Зулфиянинг оилавий ҳаёти, муҳаббати тарихи кўпчиликка яхши маълум. Зулфия шоир Ҳамид Олимжоннинг севиб, у билан 1935 йилда турмуш қурди. Бироқ орадан тўққиз йил ўтгач, ногаҳоний фалокат тудфайли иккита фарзанд билан эридан беради қолди. Кейин эса умрининг охиригача Зулфия Ҳамид Олимжонга муҳаббатини боши устига қўйиб, авайлаб, асраб, гард юктирмай олиб ўтди. Баъзан Зулфия тўғрисида икки болани отасиз катта қилди, дейишди. Менингча, бу унчалик тўғри эмас, чунки Ҳамид Олимжон руҳан ўз хонадонини бирон кун ҳам тарк этган эмас. Деворлардаги сувратлардан Ҳамид Олимжон йирик-йирик кўзлари билан муттасил Зулфияга, фарзандларига қараб, уларнинг ҳолидан хабар олиб турарди, жавондаги китоблардан унинг салобатли овози эшитилиб турарди. Отанинг руҳи тирик бўлса, у оиланинг ҳамма ишларида, шу жумладан, болалар тарбиясида ҳам иштирок этаверар экан.

Зулфия – атоқли шоира, йирик давлат арбоби, жамоат ишларида фаолият кўрсатади, эл назаридоғи инсон. Лекин у биринчи навбатда аёл, аёл бўлганда

ҳам ўзбек аёли эди. У аёл сифатида муайян бурчга эга эди, Ҳамид Олимжондан эрта айрилган фарзандларини ўстириб, одам қилиб етиштирмоқ керак эди. Бу эса – эҳ-ҳе, дунёдаги энг қийин, энг машаққатли ишлардан бири. Қизиғи шуки, сиз фарзандларингиз моддий неъматларга кўмиб юборишингиз мумкин. Улар яхши кийиниши, еб-ичиши, шуҳратингиз шуъласида бердайдир юришлари мумкин. Лекин буларнинг ҳеч қайсиси фарзанднинг қобил бўлиб чиқмоғи учун етарли бўлмаслиги мумкин. Нима учундир у нарқоман, безори, бузуқ, ўжар, ўғри бўлиб чиқиши ҳеч гап эмас. Зулфия опа 30 ёшида бева қолган эди – у 30 яшар аёлга аталган бу дунёнинг жами хузур-халоватидан, лаззатидан кечди, қалбининг бутун қўрнини фарзандларига бағишлади. Бунинг оқибадига қизи Хулқар олима бўлди, нафақага чиққунга қадар дорилфунунда дарс берди, Ойбек домлага муносиб келин бўлди, ўғли Омон эса – мана, қирқ йилдирки, Олий Мажлисда ишлайди. У бу ерга оддий корректор бўлиб ишга кирган эди, кейин маслаҳатчи бўлди, бўлим мудири даражасига кўтарилди, ҳозир эса Олий Мажлиснинг депутати, хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос. Энг қизиғи шуки, мен Хулқарни ҳам, Омонбекни ҳам қирқ йилдан бери биламан, лекин ҳақи уларнинг бирон марта калонди-моғли қилганини, бурни кўтарилганини, бошқаларни менсимай қўйганини кўрган эмасман. Бинобарин, Зулфия опа ўзининг оналик бурчини ҳам жуда ўринлатиб адо этди – жамият учун яхши фазилатларга эга бўлган икки ажойиб инсонни тарбиялаб етказиб берди.

Зулфия опа ўзбек шеърятинида ўзига хос бир мактаб яратган эди. Унинг шоирларга кўп эди. Булардан айримлари – Ойдинхон, Қўтлибека ва бошқалар бугун Зулфия опанинг чироғини сўндирмасликка ҳаракат қилиб, самарали ижод қилмоқда. Шоира шоирларни билан билма гўзал бир шеърят чаманини яратиб кетди. Ҳўш, бугун бу бўстон қай ахволда? Унинг ҳолидан оғоҳ бўлиб, парваршига қараб турган шеършунослар, шеърпарастлар борми?

Албатта, бугунги шеърят эъз қолган ташлаб қўйилган десақ, ҳақиқатдан узоқ бўларди. Забардаст шоирлар бор, уларнинг танланган асарлари, янги тўпламлари чиқиб турипти. Шу билан бирга шоир Эркин Воҳидов айтган “даҳо шеърлар” яратилмаяпти. Шеърятда борган сари майдалашиш ҳолати содир бўляпти. Айрим шоирлар ўзи билган нарсаларни ёзиш ўрнига сунъий гапларни тўқиб чиқаради, ясама гапларни гапирди. Баъзилар ҳали йилгирмага тўлар-тўлмас “қуйдим-пишдим”га ўтишадди, “о, дастиндан дод дунё” деб ҳайқиради, баъзилар “чархнинг мен кўрмаган дарду балос қолдимми?” деган саволларга кўмиб ташлайди, яна баъзилар чиллага қирган мулладек, шеърда ил-ёсинлар ўқийди. Баъзан шоирлар эвланиш қиламан деб шунақа кўчаларга кириб қолишяптики, ёқа ушламай иложинг йўқ. Яқинда бул шоирнинг шеърини телевизорда таҳлил қилишди. Унинг ёри бетоб экан. Узоқдан ўртоғи



Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

кўриништи – у қизининг аҳволи ҳақида хабар олоиб келипти. У етиб келгунча, шоир жавотир ичида қутиб турипти. У келиб, “отанг вафот этди” дебди. Шоир хурсанд бўлиб кетипти (ёри ўлмаганига бўлса керак-да). Асарни мақтаган тўпа-тузуқ шоирлар худди ана шу жойини “ички дунёни очишдаги янги кашфиёт” деб тақдим этишди. Кашфиёт улсин шунақа бўладиган бўлса! Бунақа гаплар шеърда чинакам шеърят, нафосат ўрнига, саҳнада кўрсатиладиган ясама ўйинлар, сунъий қилиқлар кўпайиб кетаётганини кўрсатмайдими? Оқ қозонинг тили, забони йўқ – нимани ёзсангиз чидай беради, аммо истеъдоднинг истеъдодлиги шундаки, у нимани ёзишни билишдан ташқари, нимани ёзмаслик кераклигини ҳам яхши билиши керак.

Майли, бу гапларни қўяйлик. Сиз ҳамма шоирларнингизга бутун жону жаҳонингизни бахш этган эдингиз, ўзбек шеърятининг зулфиялари ўнлаб ва балки ундан ҳам кўпроқ бўлишини истардингиз. Аммо найлож – беш кўл баравар эмас экан. Уларнинг нобакорлиги, хиёнатини, вафосизлиги – устознинг ҳаёти давомида кечирадиган жабру жафолари ичида энг аламлиси, юракда битмас чандик қолдирадиган зарба бўлар экан. Эсингиздами, қайси бир йили қайси бир вилоятга бориб, кундузи пахта териб, оқшомлари ҳовли деворига таппи ёпиб юрган бир қизни топиб келган эдингиз. Афсуски, у ишончингизни оқламади, Сизга муносиб шоигирд бўлолмади...

Ҳа, истеъдод дегани бу фақат маҳорат эмас, балки тил ва дилнинг бирлиги ҳам экан. Шеъринг маҳорат сиздагига ўхшаб юксак ахлоқий-маънавий принципларга таянгандагина ижод бутун халқ ардоқлайдиган, кўп замонлар мобайнида унутилмайдиган қадриятга айланар экан.

Бугун тонгда руҳи покингиз билан яна бир марта гурунглашдим, Зулфия опа. Ва яна бир қарра амин бўлдимики, ўзбек адабиёти XX асрда ҳар қанча зиддиятли, машаққатли ва мураккаб йўлни босиб ўтган бўлмасин, унда бир қатор том маънодаги ижодкорлар етишиб чиқди. Бугунги истиқлол кўнларинида уларнинг ижодлари янги қирралар билан намён бўлмоқда. Шу порлоқ юлдузлар ичида сиз ҳам олдинги қаторлардасиз, Зулфия опа!

Сизни жуда соғиндим!

2002 йил

ИЖОД МАКТАБИ

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, юртимизда 2017 йилдан ташкил этила бошлаган ижод мактаблари ўқувчиларнинг миллий тафаккурини тарбияладиган ўзига хос масканларга айланди. Шундай ибратли таълим муассасаларидан бири Хоразм вилоятида фаолият кўрсатаётган Огаҳий номидаги ижод мактабидир. Улуғ шоир тугилган жойда, унинг номида барпо этилган бог худудида бунёд этилган ушбу масканда 179 нафар ўқувчи билим олади. Айни пайтда 34 нафар битирувчи мактабнинг ўтган йилги 100 фоизлик олий таълим муассасига талаба бўлиш натижасини сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Мактабга кириш учун талабгор ўқувчи бир неча босқичли танловдан ўтиши керак бўлади. Қолаверса, умумтаълим мактабларига қараганда ўқув дастурлари бироз мураккаб. Ҳақиқатда ўқувчилар билан топшириқлари кўпчилиги қарамай, ўқувчилар ижод мактабиди ўқишдан ташқари тўғрарқларга ҳам фаол қатнашади. Олаётган билимларини қўшимча дарслар билан мустаҳкамлайди.

– 2024-2025 ўқув йилида ўта истеъдодли бир ўқувчи қабул имтиҳонларининг икки босқичида максимал балларни қўлга киритди, – дейди ижод мактабнинг маънавий ишлари бўйича директор ўринбосари Бобур Саъдуллаев. – Аммо тўсатдан саломатлиги ёмонлашиб, учинчи босқичга

“ЖАҲОЛАТ БИР ДАВОСИЗ ДАРД”



кела олмайди. Очиғи, шу боланинг мактабимизда ўқишини ўзимиз ҳам жуда истадик. Чунки ҳали ҳеч ким имтиҳонни бунчалик юқори балл билан топширмаган эди. Бутун педагогик жамоа, хатто раҳбарият хайрихоҳ бўлса ҳам, чораси топилмади. Утган йилги қабулдагина қайтадан ҳужжат топширди, ҳар учала босқичда муваффақиятли қатнашиб, мактабимиз ўқувчилари сафига кирди. Ҳозир у ҳам бошқа ўқувчиларимиз каби ижодий жиҳатдан руҳлантирувчи ва рағбатлантирувчи муҳитда таълим олмоқда.

Дарвоқе, ота-оналарнинг Президент мактабла-

ри, ижод мактабларига қизиқишлари бежиз эмас. Ҳар қандай ота-она фарзанди энг яхши мактабда ўқишини хоҳлайди. Огаҳий номидаги ижод мактаби ҳам ҳар томонлама талабага жавоб бера оладиган мактаб ва айни пайтда табиий фанлар йўналишида яхши натижаларни кўрсата оляпти.

Кейинги йилларда иқтидорли ўқувчи Жавоҳир Каримов “Мард ўғлон” давлат муқофоти билан тақдирланди, ёш қаламкашлардан Дадаҳон Қўзибоев, Жаҳонир Бахтиёр, Дилрабо Йўлдошева, Нигина Рустамбоевнинг ижод намуналари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Биринчи

китобим” лойиҳаси асосида нашр этилди. Шунингдек, энг эҳтли ўқувчилар жамоаси “Заковат” интеллектуал ўйинининг республика босқичида қайта-қайта иштирок этди. Республика олимпиадаларида ўқувчиларнинг ижодий салоҳияти юзга чиқмоқда.

Туркиялик педагог Уғун Явузнинг маҳоратли дарслари ўқувчиларни турк тили мутахассислигига деярли тайёр даражага олиб чиқди. Шу қўнғача ундан ортиқ ўқувчи ва 25 нафар ўқувчи турк тили бўйича халқаро сертификатни қўлга киритди. Утган ўқув йилида Халқаро турк тили сертификати – TYS имтиҳони тўғридан-тўғри Огаҳий ижод мактабидида ўтказилди. Ўзбекистон бўйича бу имтиҳонда 354 нафар ўқувчи иштирок этган бўлса, мактабнинг беш нафар ўқувчиси “Turkiya Burslari” дастури бўйича юз фоизлик грантни қўлга киритиб, Истанбул, Наҳмиддин Эрбақон, Муғла Ситки Кочман, Улудағ, Иззет Байсал университетларида тахсил олмоқда. Бу йилдан турк тили тўғраги ҳам фаолият бошлаб, таржима йўналишини ривожлантиришга яна бир қадам қўйилди.


Ўқувчилар қобилиятини юзга чиқариш мақсадида мактаб журнали чоп этилмоқда. Ҳар икки ойда нашрга тайёрланиб, илмий-ижодий ишлар ва мақолалар эълон қилинадиган нашр Фарангиз Иброҳимова, Мохинур Ҳасанова, Хулқарой Отажимова, Феруза Мадраҳимова каби ижодкор ёшларнинг фаол ҳаракатлари билан чоп этилмоқда.

“Жаҳолат бир давосиз дард эрур жоҳилға...”

Муҳайё РУСТАМОВА



ЎД ЭТИБ



“ТУҒИЛГАН ЕР УЧУН ҲУРМАТ ЯХШИРОҚ”

Ўзбекистон халқ рассоми Жоллибой Изентаев қорақалпоқ тасвирий санъатининг шаклланишига улкан ҳисса қўшган йирик санъат арбобидир. Бугунги кунда рассом асарлари юртимиз ва дунёнинг қатор давлатлари коллекцияларида муносиб ўрин эгаллаган. Улар ўзининг ноёблиги ва юқори қиймати билан катта аҳамият касб этиб келмоқда.

Жоллибой Изентаев 1943 йил 28 февралда Қўнғирот туманида таваллуд топган. Илк ижоди ўқувчилик чоғида чўл манзарасини акс эттириш бўлган. Тасвирий санъат фани устози, таниқли хайкалтарош Аман Атамбаев ёш Изентаевга расм солиш бўйича илк сабоқларни бера бошлаган. Кейинчалик рассом устози ҳақида шундай хотирлаганди: “Мақтабда ўқиб юрган кезларимда ҳаммада оддий қалам ҳам бўлмади, урушдан кейинги қаҳатчилик, оилапардаги йўқчилик билим олишга тўсқинлик қиладиган оғир давр эди. Шундай бўлса ҳам, устозимиз кўпчилик ўқувчиларга, менга ҳам ўзи қалам берарди. Дарсдан кейин қаламларни йиғиштириб оларди. Ҳар бир боланинг қалам ушлашига қараб унинг иқтидорини билиб оларди. Ўшанда мендан: “Бола, сенга қаламни ушлашни ким ўргатапти?” деб сўраган эди”. Шундай қилиб, шамчирок ёруғида чизган суратлари устозда хайрат уйғота бошлаган.

Устюрт чўлларида то Жайхун қирғоқларигача бўлган табиат чизилари, Қўнғирот элининг манзаралари, табиатдан завқланиш ҳисси уни П.Бенков номидаги Республика рассомлик билим юртига етаклади. У ерда кўплаб муҳир устозлардан профессионал ранг-тасвир санъатининг дастлабки сир-асорларини ўрганди. Сўнг А.Н.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик институтида ўқиниш давом эттирди. Институтда дастлаб машҳур рассом Раҳим Аҳмедов гуруҳида ўқиди. Кейин унга Неъмат Қўзибоев ва Маннон Саидов каби тажрибали ранг-тасвирчи рассомлар сабоқ беришди.

Изентаевнинг дастлабки ижод даврида эришган энг асосий ютуғи барча жанрларда – натюрмортдан тортиб портретгача, манзарадан тортиб йирик тарихий полотноларгача чизиб малакасини эгаллагани, уларда ранг-тасвир ва ғоя мазмун билан боғлиқ турли масалаларни еча олиш даражасига кўтарилганида кўринади. Гарчи дастлабки йиллардаги расмларида кенг миқёсдаги тасвирлар мукаммал бўлмаса-да, қорақалпоқ элининг турмуши, табиати, одамларнинг бир-бирига муносабатини беғубор нигоҳ орқали кўриб, тасвирга тортгани билан ажралиб туради. Бугун кўпгина дарслик ва адабиётларда ўша намуналарни учратиш қийин эмас.

Унинг сақланиб қолган кўлэмалари, оила аъзоларига айтган ўғитларидан билишимиз мумкинки, ижодга ҳаваси илк қалам ушлаганидан эмас, балки табиатни севганидан бошланган. Рассомлик билим юртида, кейин институтда ўзлаштирган профессионал маҳорати унга ижод йўлининг кейинги босқичларида ажойиб туркум асарлар яратиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди.

1970 йиллар охири – 1980 йиллар бошига тегишли “Қушинбай портрети”, “Она портрети”, “Боранбой портрети”, “Қорақалпоқ аёли”, “Балиқчи Аманбай”, “Аскар мактублари” каби туркум асарлар рассом маҳорати ўсгани ва ижоди сержило тус ола бошлаганини кўрсатади. Уларда ижодкор ўзгача композицион ечим, колорит, ранг ва фактура-лардан кенг фойдаланган.

Шунингдек, тарихий мавзудаги

“Умид йўлида”, “Бегжар фожиаси”, манзара жанридаги “Хива. Чангли кун”, “Қўҳна Урганч. Бозор”, “Баҳорда Нукус”, “Қорақалпоғистонда куз”, “Яшил ҳовли”, “Қумғонли натюрморт”, “Никобли натюрморт” ва бошқа натюрмортлари, Орол муаммосига бағишланган “Мўйноқ. Қумдаги саксовул”, “Кемалар қабростони”, “Мўйноқ”, “Чекинаётган денгиз туби” асарлари юртимиз тасвирий санъатининг сара намуналарига айланган.

Жоллибой Изентаев ижодининг чўққиси – Қорақалпоғистон Республикаси давлат байроғи ва гербини яратгани бўлди. Рассом “Шоир Т.Жумамуратов портрети” ва “Поскан замини” манзараси учун Бердақ номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди. Унинг портрет жанридаги асарлари XX аср охири – XXI аср боши Қорақалпоғистон ранг-тасвирида миллий руҳни акс эттиришга самарали таъсир кўрсатди. Миср, Болгария, Франция, Россия, Словения, Германия каби кўплаб давлатларга қилган ижодий сафарлари натижасида яратган асарларида ўзига таниш бўлмаган жойлар манзарасининг нозик қирраларини моҳирлик билан акс эттиргани кишини хайратга солади.

Изентаевнинг ижодий фаолияти қанчалик сермахсул ва бой бўлса, унинг давлат ва жамоат арбоби сифатида олиб борган ишлари ҳам шунча салмоқли бўлди. У узоқ йиллар Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси сифатида иш олиб борди. Унинг жонбозлиги билан 1992 йилда Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида “Расм ва чизмачилик” кафедраси очилди ва у ерда Изентаевнинг ўзи ҳам ёш авлодга тасвирий санъат сирларини ўргатди. 1997 йилда эса иқтидорли болалар ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг очилиши ҳам Изентаевнинг саъй-ҳаракатлари муҳим роль ўйнади.

Айни пайтда, истеъдодли рассомнинг номи абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидидаги Қорақалпоғистон ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатига Жоллибой Изентаевнинг номи берилди, мактабда хайкали ўрнатилди, ҳаёти ва ижодига бағишлаб альбом-каталог чоп этилди. Устоз юзлаб шоғирлар тарбиялади. Улар орасида ўғлининг ҳам рассом сифатида фаолият олиб бораётгани авлодлар аънараси давомийлигидан далолатдир.

Жоллибой Изентаев санъат равнақи қўшган салмоқли хиссаси ва самарали ижтимоий-сиёсий фаолияти учун давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган. Унга Ўзбекистон халқ рассоми, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрий унвонлари берилган. “Қорақалпоғистон – менинг Ватаним” туркум картиналари учун вафотидан кейин 2013 йилда Ўзбекистон Давлат мукофоти берилди.

Академик Жоллибой Изентаев ўзининг ноёб ижоди ва фидокорона ижтимоий фаолияти билан қорақалпоқ миллий маданияти билан санъати равнақи салмоқли хисса қўшди. Унинг ажойиб асарлари Ўзбекистон тасвирий санъатининг ажралмас қисми бўлмиш Қорақалпоғистон миллий тасвирий санъатининг олтин фондидан муносиб ўрин эгаллади.

Жоллибой Изентаев ўз ҳаёти ва ижодини, улуг шоир Бердақ ёзганидай, “туғилган ер учун ҳурмат яхшироқ” деган ғоя асосига кўрди. Ватан ва халқ унинг меҳнатларини ҳеч қачон унутмайди, унинг хотирасига ҳурмат хамиша бардавондир.

Саида ШЕРБОВЕВА,
Ўзбекистон Кинофотофоно
ҳужжатлари
Миллий архиви бўлим мудири

ҲУЖЖАТЛИ ҲИКОЯ

УЗУН ЙЎЛНИ ЁРИТГАН ЧИРОҚ

Бу лавҳалар ҳаётда қандай рўй берган бўлса, айнан ёзилди.

Муаллиф

1927 йил.

Тожиниса ая бир неча кундан бери егани ичига тушмас, хотиржам тортмас, энг ёмони – нимадан хавотирланаётганини ҳам билмас, бу дардини бирортаси билан баҳам кўришни-ку, ҳай-ҳай, Худонинг ўзи асрасин, оғиз очиб, сирингни дoston қиладиган замон эмас. Бирдан-бир ишонгани фарзандларининг отаси, афсус, аяни бош-кечи йўқ ўйловга солган, жонини жодига солиб қийнаётган ҳам – эри, тўғрироғи, эрининг сўнги кунларда камгап бўлиб қолгани, хаёлчанлиги эди. Икки-уч бор жазм этди, сўрамоқ қасдида оғиз жуфтлади ҳам, бироқ бу оилада эрининг гапи – гап, ундан аввал аёл кишининг йўсинсиз мавзулардан сўз очиси одобга сизмас, андиша зўр эди.

– Гап бундай, – деди тўсатдан Мираҳмад ака, хотинини рўпарасига ўтказиб олиб, – замон қалтислашди. Шўродан умид йўқ. Мен жуда узоқ ўйладим, қаттиқ ўйладим.

Мираҳмад ака жим бўлиб қолди. Чамаси, у ўйлаб қўйган гапларини унутиб қўйгандай, унутмаган бўлса, яна қайтадан хаёлида пиштириб олаётгандек эди. Тожиниса ая бош кўтариб, эрининг юзига термилди. Эл-юрт орасида тадбиркорлиги, омилкорлиги билан обрў-эътибор қозонган, дўконлари, боғу чойхоналари назарга тушган, ўзига тўқ, савховати билан ҳурмат топан одам чорасизликдан бу қадар бошқа қотганини кўрмаганди. Тилини тишлаганича кутди.

– Кетиш керак.

– Вой шўрим-м! – деб юборди Тожиниса ая. – Ким кетади? Қаёққа кетади?

– Мен, яқка ўзим. Афғонга кетаман.

– Мен... биз-чи?!

– Сизлар сабр қиласизлар.

Мираҳмад ака “Сабр қиласизлар” деганда хотини, ўн икки ёшли тўнғичи Ҳожинисани, эгизак туғилган, олти ёшли ўғил-қизи Ҳасан-Зухрани назарда тутаетган эди.

Давом этди:

– У ерга бориб бошпана ҳозирлайман. Сўнг сизларни олиб кетаман. Аллоҳ юртимизни, қорақўзларимизни болшовойнинг зулмидан халос этади, иншоаллоҳ.

– Болшовой... сиз болшовойга ёмонлик қилмаган бўлсангиз?..

Мираҳмад ака товушини хиёл кўтарди, бу унинг авзойи бузилгани белгиси эди.

– Болшовой учун бой одам – ёмон одам. Мен бойман, демак, ёмонман. Хуллас, рўзгоринг бут, қуйма олтинлардан қолдириб кетяман, сандиқда. Муҳтожлик кўрмайсан. Болаларни асра. Оллоҳнинг паноҳида бўлайлик, жонимиз омонликда дийдор кўришайлик, омин!

Мираҳмад ака шундай деб юзига фотиҳа тортиди-да, ўзи туғилиб ўсган ҳовли саҳнадан яна бир курнигоҳини узоқламай қолди. Сўнг эсига тушган юмушун адо этмоққа тутингандек, кийгос очилган ранго-ранг гулзорга кирди. Қип-қизил очилган атиргулдан уч дона қирқиб олди-да, унинг биттасини онасига, иккинчисини Тожиниса аяга, учинчисини эса кенжа қизи Зухрабонуга тутқазди.

– Нақадар гўзал! Ҳидига тўймайсиз. Ҳидланглар-да, тўйиб-тўйиб дуо қилинлар. Ардоқли дуоларингиз менга мадад бўлсин!

1927 йил, Мираҳмад ака нақ 47 ёшга тўлган, аяни саратон кунлари эди...

1930 йил.

Мираҳмад ака ўзи ўйлагандай, Афғон юртида уй-жой қилиш, мол-мулк ортириш, сўнгра она юртга бориб хотини ва фарзандларини чегарадан олиб ўтиш учун эмас, йўқ, мухтасар айтганда, ўз жонини асраш учун не кунларни бошидан ўтказмади. Дўкандорлик қилди, зироатчиликка тутинди, қора мол қўй-пайтирди, қора меҳнатдан қайтмади – кун санади, ой санади. Баҳорга умид боғлади – ёз ўтди, куздан умидвор бўлди – киш ўтди. Шўро-

нинг сарҳадларидан хуфиёна ўтиб келганидан буён уч йил ортада қолди деганда, неча йиллар муқаддам қиблагоҳи ҳаж сафарига Маккага боргани, у ерда бир йил яшаб қолгани ва оила қуриб бир қиз фарзанд кўргани ҳақида бот-бот ўйлаи бошладди. Мусофирчилик-сарсонгарчиликда қора тортиб борадиган бир хешинг бўлсин экан!

Афғонда амаллаб уч йил жон сақлаган Мираҳмад ака, қайдасан Маккаи мукаррама, дея опис йўлга равона бўлди.

олди. Етиб келишди. Ёши бир жойга етган, лекин ҳаётда бир-бирини кўрмаган, танимаган опа-ука бир-бири билан қандай кўришади? Қандай саломлашади? Бир-бирини қандай сўзлар билан алқайди? Бу каби саволлар ҳақида ўйлашга сабр етadими?! Қаноат етadими?!

Ҳаяжонли лаҳзалар яқинлашди. Амакининг хонадонига кириб борган Зухраҳон ая ҳовлида узун оқ либосда юрган, тим қора соқоли бежирим кузалган Мухаммад Умарга нигоҳи тушди-ю, “Ох, отажон!” деганча ўзи-

яна уч-тўрт яқинлар ҳамроҳлигидаги тошкентлик меҳмонлар Жидда шаҳрида зўр мамуният ила кутиб олинди. Меҳмондорчиликдан-да азизроқ-лазизроқ дийдорлашув-танишув маросимлари Тоифда давом этди. Ҳикояга ҳикоя, хотирага хотира уланди. Қўз ёшлар ўрнини бажонидил қаҳ-қаҳаларга “бушатиб” берди.

Мираҳмад хожи дода 1973 йилда 93 ёшда бандалик қилган, у кишидан беш ўғил, бир қиз фарзанд қолган. Тўнғич фарзанд Мухаммад



1964 йил.

Юнусобод депарасидаги Мирзаюсуф жоме масжиди имомни Мин-ҳожиддин қори кимдир қўлига тутқазиб кетган мактубдан кўз узолмай қолди. Мактуб кимдан, қай манзиллардан, қай йўсинда етиб келди, не сабабдан айнан унга беришди – номаълум. Бу етмагандай, имом қафтида турган жажжигина яшил баҳмал халтачани очиб ичига қараш у ёқда турсин, унинг боғичига қўл чўзишга журъат тополмай, мутаассир аҳволда қолди. Бироқ бўлар шў бўлди, мактубни ўқимаслик ҳам, халтача ичига нигоҳ ташламаслик ҳам йўқ ердаги балоаларни бошлаб келиши ҳеч гап эмас.

Минҳожиддин қори “Бисмиллаҳ-ҳир роҳманир роҳийм” каломи билан бошланган хатнинг аввал-бош унвонига кўз югуртирди. Кўз югуртирди-ю, турган жойида хушини йўқотиб кўяёзди. Кўзига, дам ичида, дам товуш чиқариб ўқиган сўзларига ишонмади.

Хат туғишган оғаси, бундан 37 йил бурун Афғон сари йўл олган, ўшандан буён на хат, на хабар келган жигарғўшаси Мираҳмад аканинг қўли билан ёзилган эди! Акаси Саудия Арабистонининг Тоиф шаҳрида истиқомат қилиши, у ерда асли марғилонлик Жамалихон Ҳажимжон қизи билан оила қургани, беш нафар ўғли ва бир нафар қизи борлигини қисқача таърифлаган, халтачадаги икки жуфт тилла балдоқ Тошкентда қолган қизлари Ҳожиниса ва Зухрабонуга аталганини ёзган эди.

1990 йил.

Шоаҳрор уйга одатдагидан этароқ қайтди. Қайтди-ю, унинг йўлига кўз тикиб ўтирган онаси Зухраҳон аянинг йиғлаётганини кўрди.

– Нима гап, она? Тинчликми?

– Тез, тез отлан, ўғлим, Минҳожиддин амакиникига борамиз, бўла қол!

– Нима гап, ўзи, айта қолинг ойи? – қайта сўради Шоаҳрор хавотирланган.

– Айтсам ҳам ишонмайсан, Арабистондан тоғанг келибди!

– Арабистондан? Тоған?! – Борайлик, кўрасан! Укам келибди, Ҳидланглар-да, тўйиб-тўйиб уни. Исми Мухаммад Умар!

Зухраҳон ая қачон дуога қўл очса, чеҳраси эс-эс ёдида қолган отасини эслар, эслар экан, “Отам берган атиргулни иси келяпти”, деб кўмсаб кўяр, падали бузрукворининг дийдорига тўймаган онасининг ушалмас армонлари ҳақи, Шоаҳрор ҳаётда онасининг гапини икки қилмасди.

У машина тезлигини ошириб, онасининг амакиси бўлмиш Минҳожиддин қори доданинг уйига йўл

ни меҳмон йигитнинг бағрига отди. Изоҳлар ортиқча, таъриф ортиқча, ҳаяжондан тил калимага келмас, кўзлар шашқатор ёшга тўлди. Ё Парвардигори олам, Зухраҳон аянинг назарида бундан 63 йил муқаддам, сўнги марта олти ёшида кўрган отаси қайтиб келгандек, тинмай, “Қўйиб қўйгандай отамнинг худди ўзи! Худди ўзи!” дан бошқа сўз тополмас эди!

Қарийб 70 ёшида ота бир – она бошқа иниси билан илк бора дийдорлашган Зухраҳон ая хотирасида нима бўлса, меҳмон укасига тўкиб солди. Умр бўйи отаси кета туриб тутқазган қизил атиргулнинг сеҳрларга тўла жаннатий ҳиди димоғидан кетмаганини таърифлаб тўймади.

– Отам ётган ёстиққа бир марта бош қўйсам, бу дунёдан армонсиз ўтардим.

– Иншоаллоҳ, бунинг чораси топилажак, опагон, – дея унга тасалли берди Мухаммад Умар. – Орзу-умидларимиз рўёбга чиқишига Аллоҳ мадад беражак!

1991 йил.

Озмунча ошқора ва пинҳона орзу-умидлар қора тупроқларга қумилиб кетмадими?! Озмунча дийдор кўришишлар охирага қолмадими?! Айланаин, истиқлол, кўзларингдан озошлик! Ургулайин, хурлик-хуррамлик! Қайноқ бағринга сингиб кетай, онажон Ватан!

Истиқлол, хурлик, озошлик не-не кўнгиллари мунаввар айлади! Тақдиринг чарогон кўчаларига озмунча умид боғладими?! Ҳисобига етиб бўлармикан?!

– Қанотим бўлса, учиб кетардим отам кетган элларга! – дея озмунча тавалло қилганмиди Зухраҳон ая.

– Онажон! Мен катта бўлай, ўзим сизни албатта олиб бораман бобом кетган юртларга, – дея ваъдалар қиларди Шоаҳрор.

Ўғли гўдак чоғларидан айтади шу гапни, ая эса ишонмайди-ишонмайди, лекин умидини узмайди, бу шовён умид тақдирнинг боши берк қўчаларига байрам-шодийна кунлар келишига бўлган ишонсизликдан зўр келарди. Мана, ниҳоят мўъжиза рўй бермоқда, мўъжиза: Шоаҳрор ўғли қирчиллама ёшга етган бир дамларда беғубор болалигидан буён бериб келган ваъдасининг устидан чиқмоқда – Москва аэропортидан кўтарилган самолёт Жидда шаҳри томон парвоз қилмоқда!

“Насиб” сўзи нақадар тотли! Ақл бовар қилмас орзу-ниятлар Ватанимиз мустақиллиги шарофати билан амалга ошмоқда! Ватан мустақиллиги неча ўн йиллар юракларни эзиб ётган армонларга нур сочди, нур!

...Зухраҳон ая, ўғли Шоаҳрор ва

Али Лондон университетларидан бирида профессор, Мухаммад Сиддиқ, Мухаммад Умар, Мухаммад Усмон, Мухаммад Амин шифокор, тижоратчи-хунарманд, қиз фарзанд Аббосия ҳамшира ўлароқ туз-насибани териб юриб ҳаёт кечиришар, қиблагоҳларидан мерос қолган армон тўла хотиралар айтган билан тугамас эди. Зухраҳон ая қилган илтижолари Аллоҳга етиб борганидан ададсиз шукроналар айтар, ўғли Шоаҳрорнинг гўдаклик чоғларидан берган ваъдаларининг ижобат бўлганидан тақдирнинг марҳаматига шукроналар ўқир эди.

Шаҳарнинг муҳташам мавзеларидан бирида қад ростлаб турган беш қаватли уй меҳмонлар ихтиёрига берилди. Мухаммад Умар Зухраҳон аяга ётоқ бўлмасини таништирди.

– Раҳматли падаримиз шул хонада истироҳат қилар эдилар. Жойлари ўшал, кўрпа-тўшаклари ўшал. Зухраҳон ая оҳ тортиди, ота ҳовлида очилган қизил атиргулнинг ҳаётбахш иси таралгандек бўлди хонада. Отаси бош қўйиб ётган болишга бош қўйди, бетини момиқ болишга босиб, ушалмаган армонлари доғида бу дунёни тарқ этган қиблагоҳининг исларини тўйиб-тўйиб ҳидлади.

– Бу дамлар мен учун – ҳаж, отамнинг ўрни мен учун ҳаж мақомидан оз эмас.

Яна бир кутилмаган воқеа кейин юз берди. Мухаммад Умарнинг айтишича, мазкур беш қаватли уй эмас – хонадонни оталари Мираҳмад хожи Тошкентда шўролар истибдодидида қолган фарзандлари учун атаб қурдирган эканлар.

– Мазкур мулк сизларга аталган мерос, – деди Мухаммад Умар. – Падаримиз васиятларини адо этиш бизга омонат. Истангиз, мулкнинг ўзи, истангиз унинг қиймати сизларники.

2026 йил.

Шоаҳрор ака хотирлайди:

– Онам раҳматли ниҳоятда мағрур, гурури банд аёл эдилар. (“Нима қилса ҳам, бойнинг қизи-да” деб қулиб.) Мезбонлар томонидан кўрсатилган марҳаматдан миннатдор эканликларини ихзор қилгач, ғоятда вазминлик билан жавоб қайтардилар: “Аллоҳга беадад шукр, бизнинг она ватан – Ўзбекистон, Тошкентда уй-жойларимиз бисёр, заррача муҳтожлик еримиз йўқ. Ўзимиз ҳам, қорнимиз ҳам, энг муҳими, кўзимиз ҳам тўқ! Биз учун ога-ини, опа-ука жигарларимиз билан топишганимизнинг ўзи бебаҳо неъмат, Аллоҳнинг беадад марҳамати, алҳамдулиллоҳ!..”

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД



ОЛАМ ОЛИМИ



Мария КЮРИ

Тарихда ўчмас из қолдирган,
матонат ва ватанпарварлик
тимсоли бўлган нобелчи

Мария Склодовская-Кюри 1867 йилнинг 7 ноябрида Польшада камбағал ўқитувчи оиласида туғилган. Ўша вақтда ватанда хотин-қизлар учун олий таълим олиш тақиқлангани боис 24 ёшида Франциянинг Сорбонна университетига ўқишга қиради.

ФАҚАТ БИРИНЧИ

Мария Кюри ҳаёти ва фаолиятида "биринчи" сифатига такрор-такрор дуч келамиз. У Францияда фан доктори даражасини олган биринчи аёл. Париж университети (Сорбонна) тарихидаги биринчи аёл ўқитувчи ва профессор.

Нобель мукофоти билан тақдирланган биринчи аёл. Икки қарра Нобель олган биринчи инсон ҳамда иккита фан соҳасида ушбу мукофотни қўлга киритган ягона олима. Шунингдек, Кюрилар "биринчи нобелчи оила" ҳисобланади.

Биринчи Жаҳон уруши даврида биринчи бўлиб мобил рентген станцияларини ("Кичкина Кюрилар") ташкил қилган. 1995 йилда унинг хоки Франциянинг энг буюк шахслари дафн этиладиган жойга кўчирилди. У бу шарафга лойиқ кўрилган биринчи аёл бўлди.

ВАТАНСЕВАР КАШФИЁТЧИ

1903 йилда Анри Беккерель "радиоактивликни кашф этгани учун", эр-хотин Кюрилар "радиация ҳодисаларини бириктириб тадқиқ қилгани учун" физика йўналишида Нобелга сазовор бўлади.

Кейинроқ Мария турмуш ўртоғи Пьер Кюри билан уран таркибини ўрганиш жараёнида унга нисбатан 400 марта кўпроқ радиоактивликка эга моддани кашф қилади. Олима гарчи Францияда яшаётган бўлса ҳам, она ватанига бўлган муҳаббати заррача сусаймагани. Шу сабаб, янги моддани Польша шарафига "полоний" деб атади. Кюрилар полонийни кашф қилган, унда яна қандайдир нур таралаётган модда борлигини сезиб қолади. Бу қизиқиш эса Менделеев жадвалининг 88-элементи бўлган "радий" кашфиётига сабаб бўлди.

Мария Кюри 1911 йилда радий ва полоний элементларини кашф этгани, радийни соф металл ҳолида ажратиб олгани ҳамда унинг табиатини ўрганиши учун кимё бўйича Нобель мукофоти лойиқ кўрилади. Афсуски, бу пайтга келиб эри фожиали тарзда ҳалок бўлган эди.

ИЛМ – ИНСОН УЧУН

Мария хоним замонавий тиббиёт, физика ва энергетика соҳаларида инқилоб ясади. Бугунгача ҳам унинг кашфиёт ва ихтиролари миллионлаб одамлар ҳаётини сақлаб қолишга хизмат қилмоқда:

Саратонга қарши кураш – Кюрилар радий соғлом хужайраларга қараганда касалланган хужайраларни тезроқ парчалашини аниқлади. Шу тарихи нур муолажаси (радиотерапия) соҳасига асос солинди.

Соддалаштирилган рентген – Биринчи Жаҳон урушида мобил рентген аппаратларини ("Кичкина Кюрилар") ёрдамида аскарлар танасидаги ўқ ва мина парчалари тезкорлик билан аниқлаиб, бир миллиондан ортиқ инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Атом ва ядро физикаси тараққий – Мария Кюри радиация моддаларининг кимёвий реакцияга ҳосиласи эмас, балки атомнинг ички хусусияти эканини исботлади. Бу кашфиёт атом тузилиши ҳақидаги тасаввурни бутунлай ўзгартирди, кейинчалик ядро энергетикаси ҳамда атом физикасининг ривожланишига йўл очди.

Эътиборлиси, Кюрилар радий учун патент олмаган – улар илм-фан бутун инсониятга тегишли деб ҳисоблашган.

ЖОНФИДО

Мария Кюри 1934 йил 66 ёшида Франциядаги сиҳатгоҳда вафот этган. Шифокорлар унга қон ишлаб чиқариш тизимининг бузилиши тахисини кўйган. Бу касаллик кўп йиллар ҳамия воситаларисиз радиоактив моддалар билан ишлаши ва уруш давридаги рентген нурланиши таъсирида юзга келган.

Хоки радиация тарқатгани сабабли 2,5–3 сантиметр қалинликдаги кўрғошин билан қопланган тобут ичига жойлаштирилган. Олимага тегишли лаборатория дафтарлари ва шахсий буюмлари шу даражада радиация билан захарланганки, улар Франция Миллий кутубхонасида кўрғошин қутиларда сақланади.

МУНОСИБ АВЛОД

Мария Кюрининг тўнғич қизи Ирен Жолио-Кюри ва куёви Фредерик Жолио-Кюри ҳам илм-фан оламида юксак чўққиларни забт этишган.

Ирен Биринчи Жаҳон уруши даврида онаси билан бирга рентген ҳамшираси бўлиб ишлаган. Кейинчалик Радий институтида илмий фаолиятини давом эттириб, ўз даврининг энг машҳур олималаридан бирига айланди. Фредерик Мария Кюрининг шогирди эди. Иренга уланганча, Кюрилар оиласига ҳурмат рамзи сифатида ўз фамилиясига "Кюри" насабини қўшиб олган.

Эр-хотин 1935 йилда сунъий радиоактивликни кашф этганлари учун кимё бўйича Нобель мукофоти сазовор бўлган.

ХУЛОСА

Мария Кюри – матонат, фидойилик ва илмга садоқат тимсоли. Илм-фан қудратини ўзига бўйсундирган ва шу орқали жамиятдаги аёлларга нисбатан кўйилган стереотипларни аёвсиз парчалаб ташлаган олима дунё ёшларига ибрат саналади.

Жасмина ИСРОИЛ тайёрлади.

ЎЙ

ҚОРИН ҚАЙҒУСИДАГИ ҚАВМ

Қўшни қишлоқда яшайдиган жияним арзи ҳол қилиб келди: "Фароғат" балиқхонаси эгаси эрталаб келиб ўғлимнинг янги велосипедини олиб кетди. Шунга мелисага ариза ёзиб берсангиз". Тафсилотлари билан қизиқдим.

Жиянимнинг ўғли туғилган куни муносабати билан балиқхонада тенгқурларига зиёфат уюштиради. Базми шомда бошлаган ёшлар қора хуфтонда тарқалади. Ҳисоб-китобга навбат келганида жиянчининг пули етмай, бирор ҳафталада қолганини келтириб бераман, деб кафолатига паспортини ташлаб қайтади. Ўша етмаган пул анчагина эканки, ота-онаси пенсияси келишини кутишдан бошқа чоралари қолмайди. Бу орада ваъда қилинган вақт ўтиб кетгани ҳақида балиқхона эгаси бир неча марта огоҳлантиради ва "эрта-индин" деган ваъдалардан безиб, ҳарна деб жиянчининг велосипедини олиб кетади...

Бу ҳолатда ким айбдор? Албатта, чўнтагидаги ақчадан беҳабар бозорда отнинг тишини санаган" жиянча. Кафолат сифатида паспортини олиб қолган балиқхона эгаси ҳам қонунни бузган, деймизу... унгаям осон тутманг. Кўпинча ёшлар шунга ўхшаш базмларда чўнтагидаги пулни ҳисобга олмасдан, дастурхонни керак-нокерак неъматлар билан тўлдириб, мақтанлига зўр беради. Аксари кетар чоғида емакхона эгасининг "қарз дафтари"га номларини ёздирлишга мажбур бўлади. "Қарз дафтари"даги пуллари нундиргунча емакхона эгаси сарсону саргардон бўлиб, қанча этигини тўздиради ҳам. Бу айримларга теккан асрий хасталик, десак, адашмаймиз.

Нега "асрий" депямиз? Манзилу макон, тузуму сиёсат танламайдиган айрим салбий ҳолатларга дуч келганимизда, беихтиёр Қодирий бобомизга юзланишга мажбур бўламиз. Буюк жадид бобомиз "Мушутун" журналининг 1924 йил 23-сонида чоп қилинган "Истатистиканинг кўрсатишича..." сарлавҳали мақоласида қизик ва аянчли рақамларни келтиради. Адиб ўша давр зиялиларининг толган даромадлари нимагадир ишлатилишини тақрибан ҳисоб-китоб қилиб, қуйидагича хулосага келган:

"Бу мунавафларларимизнинг асосий машғулоти кўйидаги режада кўрсатилади:

1. Ўн беш фоз ёшларнинг асосий гоёлари ичкилик;
2. Йигирма беш фозининг яратилиш сабаблари айшу ишратга;
3. Йигирма беш фозининг туғилиши соч ўсдириб, хина қўюб, янги мўда кийим билан оқишқа;
4. Ўн фозиз қуруқ маҳмадангагарчилик;
5. Қолган йигирма беш фозининг гоёлари НЭПга чин ўғул бўлмоқдадир".

Адиб афсус-ла эътироф этишмас, миллат зиялилари, асосан, ёшлар

ЖАҲОН АЙВОНИДА

ҚИТЪАДАГИ ЭНГ БАЛАНД ИНШООТ

АҚШ президенти Дональд Трампга тегишли компания – Trump Organization Австралида осмонўпар бино қуриш режаларини эълон қилди.



Президентнинг ўғли Эрик Трампнинг сўзига кўра, ушбу иншоот мамлакатдаги энг баланд бино бўлади. Бу ҳақда BBC хабар берди.

Квинсленд штатининг Голд-Кост (Олтин қирғоқ) худудида қад кўтарилган ушбу минора 335 метр баландликка эга бўлади. Бу Лондондаги машҳур Шард осмонўпар биносидан ҳам баландроқ демакдир.

ИЛОН МАСК СУДЛАНАДИМИ?

Мексика ҳукумати миллиардер Илон Маскка нисбатан ҳуқуқий чоралар кўриш масаласини кўриб чиқмоқда. Бунга технология гигантининг Мексика прези-



дент Клаудия Шейнбаумни мамлакатдаги наркотиқлар билан алоқадорликда айболоши сабаб бўлди. Бу ҳақда Newsweek ёзади.

Бир аср илгари юзга келган вазиятни ҳозирги кунимизга кўчирсак, гарчи фозиларда фарқ кузатилса-да, айрим ёшлар ва ҳатто, ўрта ёшлилар ўртасида ҳам ҳали-ҳамон қорин қайғусини биринчи ўринга қўйиш ҳолатлари барҳам топмаганига ғувоҳ бўламиз. Ачиниш билан қайд қилиш ўрни, бугун даромаднинг сезиларли қисми бир кунлик ҳою-ҳавасга, дабдабали зиёфатлар уюштириб, қорин тўйгазишга сарфланмоқда.

Ижтимоий тармоқларда турли-туман гуруҳлар очилиб, уларга маслағи, ёши, касби ўзaro яқин кишилар бирлашган. Шундай гуруҳларнинг аксаридида ўзaro ёзишмаларига эътибор қаратсангиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Асосий мавзу: "Қачон "патий" уюштирамиз?" "Патий", яъни қайсидир шаҳардаги энг ҳашаматли ресторанда уюштирилган базм учун етти ва баъзан саккиз рақамларда ифодаланган маблағ кетишини айтиш! "Патий" ташилотчиси ўзи яшайдиган шаҳардаги муҳташам ресторани олдиндан банд қилади. Ҳар бир иштирокчи елкасига тушадиган маблағ қанчалигини айтади. Иштирок этадиган одам ўша маблағни олдиндан ташилотчи пластик картасига ташлаб беради. Бошқа вилоятлардан келадиганлар учун олдиндан меҳмонхона банд қилинади. Қисқаси, йўл харажатлари, меҳмонхонада тунаш ва "патий"га тўланадиган маблағ энг камида бир-бир ярим миллион сўмга тушади. Бу кўпи билан уч соат давом этадиган базмининг баҳоси. Яна айтишларича, "патий" ташилотчиси, яъни ўз танишларининг "патини юлган" шоввоз ва ресторани эгаси ўртасида оғзаки келишув бўлиб, ўртадаги даромаддан ташиқлаштирувчи улуш оларкан.

Туш вақти бир туман марказидаги ажнабийча атамали кафега кирмоқчи эдик, пештоқидаги "Фақат патий ва зиёфатларга хизмат қиламиз!" деган ёзувни кўриб, ортимизга қайтдик. Икки

қаватли емакхонада ўн бешдан ўттиз нафар хўрандага хизмат қиладиган тўртта зали бор экан. Якка тартибда хўрандаларга хизмат қилмаслиги сабаби, айнан шунақа турдаги "патий"лардан мўмайгина даромад топишларидир. Демакки, талаб ва эҳтиёж борки, бутун бир кафе шунга ихтисослашган. Етти чоғли ходим маоши, солиқ ва бошқа тўловлар айнан "патий"чилар чўнтаги ҳисобидан экани кундай равшан. Бу каби сериққим, дабдабали ўтиришлар туман марказларидаги емакхоналарга етиб келган экан, вилоят марказларини айтмасам ҳам бўлади. Ойда камида икки марта шундай "патий"ларни навбати билан юртимизнинг турли шаҳарларида ташиқлаштирадиган гуруҳга асосан сармоядор инсонлар аъзо бўлса керак, деб ўйларсиз. Йўқ, гуруҳ аъзолари орасида оддий ўқитувчилар, хорижда мавсумий ишлайдиган инсонлар ҳам бор.

Уч соатлик базмга кетадиган маблағга бир оила бир ой тирикчилигини ўтказиши мумкин-ку! Ёки "велосипедни гаровга бериш мажбуриятида қолган" жиянчадан турилган кунини ўз оила даврасида ихчамгина ўтказиш бўлмай-дими? Шунда дастурхонга тортилган неъматлардан оила аъзолари ҳам баҳраманд бўлишди, велосипеди ҳам ёнига қолади...

Нимага бу қадар маишатга муккасидан кетган ёшлар кўпаймоқда?

Бунинг ортида "Менинг сендан қаерим кам?" деган пойга ётибди. Узоққа бормай, жиянларимдан яна бири туғилган кунини қишлоқдаги бир емакхонада ўтказибди. "Етти жўра маъза қилиб ўтирдик, бир ярим миллион сўм кетди. Жўраларимдан бирортаси ҳали бунчага "эримаган"ди. Кейинги ойда туғилган кунини нишонлайдиган жўрамиз ичиб олиб, "Мен бундан ҳам зўр қилиб ўтказаман", деб мақтаниб ваъда берди. Кўрамиз энди". "Туғилган кунининг уйингда нишонласанг, дастурхонда қолган-қутганини болаларинг тотинарди. Бунча пул сарфламасдинг ҳам", деб даки берсам, у бамайлихотир: "Сиз билмайсиз, тоға. Ҳозир замон бошқа", деб ақл ўргатади.

Талончилик, сув тошқини ва сохта чипталар можароси ортдан Лувр директори Лоранс де Кар лавозимидан кетди. Бу ҳақда Елисей саройи матбуот хизмати хабар берди.

Унда айтилишича, де Кар президентга Лувр директори лавозимидан кетиш ҳақида аризасини топширган. Давлат раҳбари бу қарорни масъулиятли қадам сифатида баҳолаган.

ЭНЕРГЕТИК ИЧИМЛИКЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ

Испания ҳукумати вояга етмаганларга энергетик ичимликлар савдосини чеклаш бўйича қарор қабул қилди. Ижтимоий ҳуқуқлар вазири Пабло Бустиндуй маълум қилишича, 16 ёшга тўлмаган болаларга бундай ичимликлар сотиш тақиқланади.



Кофеин миқдори 100 миллилитрда 32 миллиграммдан юқори бўлган маҳсулотлар эса 18 ёшгача бўлганларга умуман берилмайди. Бу ҳақда Euronews ёзмоқда.

Сўнги йилларда собиқ курсдошларнинг йилда бир-икки навбати билан вилоятларда учрашув ташкиллаштириши урфга кирган. Амакмининг ўғли муҳандисликка ўқиган. Арзимаган маош билан катта оиласини боқяпти. Бу ёқда... Уларнинг навбатдаги "курсдошлар ўтириши" водийнинг қайсидир тоғолди дам олиш зонасида ўтказилибди. "Икки кунлик учрашув учун бир дала ҳовлини одам бошига кунига икки юз доллардан ижарага олишибди экан. Дастурхон учун яна одам бошига юз доллардан кетди. Сурхондарёлик курсдошимиз "тандир" олиб борган экан, роса маза қилдик", деб гап беради у қайтгач қўшнилари. Иккинчи ўғли йигирма беш ёшда. Бир йил олдин қўшни қишлоқлик таниш хонадон қизини "ишонишиб" қўйишган. Тўй чўзилаётганига қўли калталиги сабаб. Шу ҳақда гап очсангиз... мавзуну яна "галдаги учрашув"га боради: "Наврўзда Самарқандда учрашувимиз бор. Шунга бориб келсак... кейин..."

Ўша амакмининг ўғли тўрт фарзанддан бирортасини олийгоҳда ўқитмади. Уйда бир донна китоб тополмайсиз. Касбсиз-хунарсиз қолган ўғиллари хорижа иш ахтариб кетиш ёки ўзимизда кундалик ишлар билан беш-ўн сўм топишдан бошқасини билмайди. Ўша топганининг аксарини тенгқурлари билан қай бир емакхоналарда бир кечада ҳавога соуради ҳам.

Ҳозирда урчиб кетган "аёллар зиёфати", "хожилар зиёфати" ва шунга ўхшаган турли-туман зиёфат, учрашувлар ҳақида эслатавериш ортиқча...

Юқорида ёшлар турли қижимдор давраларга муккасидан кетгани ҳақида афсус билан ёздик. Нега бундай ёшлар кўпаймоқда, деб ўзимизча насиҳатбозлик берилдик ҳам. "Қуш уясида қўрганини қилади", дейилмиш отасўзимиз ёдимиздан кўтарилди. Катталар – ота-оналар кўп ҳолларда қоринни қадрият деб биладиган муҳитда бор айбни ёшларга тўнқаш қанчалик тўғри?

...Даврада кимдир қўл телефонда кўзи тушган хабарни ҳаяжонланиб айтди: "Буни қаранглар, ўнинчи синф ўқувчиси АҚШдаги машҳур университетнинг 320 минг доллар қийматли грантини ютиб, талаба бўлибди. 320 минг доллар бизнинг пулга..." Унинг гапини яқинда хорижда ишлаб қайтган даврандоши оғзидан олди: "Қўй, бу гапларни! Сенга қора чақалик нафи йўқ. Эртага бўладиган ўтиришимизга қанчадан пул ташлаймиз, шундан гапир!" Даврада қатнашаётганларнинг аксари зиёли инсонлар экани, лўкма ташлаган кимсага ҳеч ким эътироз билдирмаганига уялиб кетдим. Ростки, қорнидан бошқа қайғуси йўқ қавмга эътироз айтмоқ ўрни эмасди.

Шу лаҳзада Қодирий бобонинг бир аср илгари "истатистикани чоғиштириб", ўлкадаги салкам ўн саккиз минг нафар муаллим ҳақида фикр юритаётган киноя билан ёзишлари эсимга тушди: "...бай-бай-бай; пишти кабоб, пишти!"

Рўзимбой ҲАСАН


Озиқ-овқат хавфсизлиги агентлиги ўтказган сўров натижасига кўра, аҳолининг тўққиз нафардан саккизтаси бу чекловни қўллаб-қувватлаган.

ИСЛАНДИЯ ИТТИФОҚҚА ҚЎШИЛМОҚЧИ

Исландия яқин ойлари ичида Европа Иттифоқига аъзо бўлиш музокараларини қайта бошлаш юзасидан референдум ўтказди. Бу ҳақда мамлакат бosh вазири Криструн Фростадоттир Польшага ташрифи чоғида маълум қилди.




Рейкьявик тўрт йиллик музокаралардан сўнг 2013 йилда Европа Иттифоқига аъзолик музокараларидан воз кечганди. Бироқ яшаш нархининг ошиши ва Украинадаги уруш орол-давлатнинг иттифоққа қўшилишга бўлган қизиқшини қайта жонлантиришга ёрдам берган.



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

Самарқандда жадид ҳаракати ҳақида сўз борса, табиийки, энг аввал Маҳмудхўжа Бехбудий ва "Ойина" журнали атрофида жамланган зиёлилар, мактаб очган маърифатпарвар шахслар номи тилга олинади. XIX аср охири ва XX аср бошларида Самарқандда ўнлаб янги усул мактаблари ташкил этилиб, уларда юзлаб болалар янги дастурлар асосида таълим олган.



Хикматулла Хисमतов (1898–1938)

1893 йили илк янги усул мактаби очилган бўлса, 1903 йилга келиб Халвойи ва Ражабамини қишлоқларида ҳам шундай мактаблар фаолияти йўлга қўйилиши жадид ғоялари қисқа вақт ичида кенг тарқалганидан далолат беради. Уқувчилар учун Бехбудий томонидан "Рисолаи асбоби савод", "Рисолаи жуғрофияи умрорий", "Китобат ул-аффон", "Амалиёти ислом", "Тарихи ислом" каби дарсликлар яратилган таълим тизимдаги янгиланишларни янада тезда тиртириди.

Жадид ҳаракати тарихга фақат машхур номлар орқали битилмаган. Яъни, янги мактабларда таълим олган, кейинчалик турли соҳаларда меҳнат қилган юзлаб ёшлар ҳам ана шу маърифат муҳити таъсирида улғайган эди. Афсуски, улардан кўпининг номини вақтли матбуот саҳифаларидан тополмайси, айримларининг тақдирини эса кейинги сиёсий воқеалар тўғрисида қисқача маълум қолган. Ана шундай авлод вакилларида бири Хикматулла Хисमतов бўлиб, унинг ҳаёт йўли жадид муҳитида шаклланиб кўндалган инсонлар тақдирини билан муштарак.

Хикматулла Хисमतов 1898 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Отаси хизматчи, сўнгра Фаргона ва Андижон ҳудудларида мироб бўлиб ишлаган. Архив ҳужжатларида унинг маълумоти кўйи экани, рус-тузем мактабининг 2-синфини тамомлагани келтирилади. Бу каби қайтлар ўша даврда инсоннинг ижтимоий мақомини белгилашда муҳим аҳамият касб этганини ҳисобга олсак, Хикматулланинг кейинги тақдирини қандай мураккаб шароитларда кечганини тушуниш анча осонлашади.

Хикматулланинг ўзи таълимни давом эттиришга интилди, аввал рус-тузем мактабида, кейин Самарқанддаги билим юртида таҳсил олди. Унинг ёшлик йиллари Туркистонда янги усул мактаблари кенгайиб, маориф соҳасида ислохотлар кучайган даврга тўғри келади. 1911 йилдан атоқли маърифатпарвар Абдуқодир Шакурий ташкил этган



ТАРИХ ҲИҚМАТИ

кўрсатмаларида билдирган. Шу тариқа, Хисमतовнинг таълимдан меҳнат фаолиятига кириб келган йиллари Туркистонда ҳокимият тизимлари тез-тез алмашиб, кечагина ташкил этилган жамоат бир-лашмалари қисқа вақт ичида қайта номланиб ёки бошқа тузилмалар таркибига қўшилиб кетаётган беқарор давр билан алоқадор.

Хикматулла Хисमतов 1913 йилдан мактаблар таъминоти учун, шунингдек, мусулмон қисмларда хизмат қилган аскарларга моддий ёрдам йиғиш мақсадида ўтказилган кўнгаловик спектрларида иштирок этган, 1918–1920 йилларда хизмат вазифаси билан Хўжанд, Қўқон, Бухорода ишлаган. Меҳнат фаолияти мобайнида бир муддат давлат муассасаларида тилмочлик ва ташкилотчилик ишларини бажаради.

Кўрсатмаларидан маълум бўлишича, машхур "мардикор олиш кампанияси"да 1916 йили фронт орти ишларига сафарбар этилган ишчилар таркибида бир эшелонда тилмочлик қилган, сўнгра давлат муассасаларида хизмат вазифасини давом эттирган. Ҳужжатларда 1918 йилдан компартия сафига қабул қилинган ҳам қайд этилади. Кейинги йилларда савдо ва хўжалик тизимида ишлаб, қадам-бақадам раҳбарлик лавозимларига кўтарилган қаҳрамонимиз таржимаи ҳолида алоҳида кўрсатилади.

1930 йиллар бошида республикада қорақўлчилик совхозларини ташкил этиш ва хўжалик тизимини қайта қуриш билан боғлиқ кенг қўламли тадбирлар амалга оширилиб, Хикматулла Хисमतов ана шу жараёнларда хўжалик ва савдо соҳасига дахлдор вазифаларда ишлайди.

Архив ҳужжатларида сақланган аризасида қаҳрамонимиз 1923–1925 йиллардан сўнг аксилчилик

лбий миллатчилик ташкилотлари мавжудлигидан беҳабарлигини қайд этади. 1931 йилда қорақўл совхозларини ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар давомида Файзулла Хўжаев раҳбарлик қилган идоралардан олинган кўрсатмалар асосида иш юритгани, кейинчалик айнан шу хизмат фаолияти тергов материалларида "аксилчиликбий ташкилотга алоқадорлик" сифатида талқин қилинганини ёзади. Аризада ташкилотнинг таркиби ва аъзолари ҳақида аниқ маълумотга эга эмаслиги, ўзи бажарган ишлар учун масъулиятни зиммасига олишга тайёр эканини билдиради. Бу ҳужжат тергов жараёнида олинган кўрсатмалар ва айбловларни расмийлаштириш амалиёти қандай кечганини акс эттирувчи муҳим манбалардан биридир. 1937 йилга келиб, айни шу хизмат алоқалари ва хўжалик ишларида юзага келган муаммолар унинг тақдирини ҳал қилувчи омилга айланади.

1937 йил декабрида тайёрланган айблов хулосасида Хикматулла Хисमतовга аксилчиликбий миллатчилик ташкилотига аъзолик, Файзулла Хўжаев бошчилигидаги гуруҳ топириқлари бўйича "Ўзбекқорақўл" тизимида кўпуровчилик ишларини олиб бориш, 1931–1932 йилларда қорақўл кўйлари талафотига – 250 миң буюқ қорақўл кўйнинг ўлимига сабаб бўлиш, шунингдек, "Ўзбекбирлашув" тармоқлари орқали савдо соҳасида зарарли ишлар амалга ошириш (ҳужжатларда 1934–1937 йилларда савдо-хўжалик фаолиятида харажатлар сунъий равишда оширилиб, давлатга 12-14 миллион рубл миқдорда зарар етказилган) тарзида бир қатор айбловлар кўйилди.

Айблов ҳужжатларида иқтисодий соҳадаги қийинчиликлар, савдо тизимидаги камчилик ва хўжаликдаги муаммолар алоҳида шахслар фаолияти натижаси сифатида талқин қилинган кўринади. Ўша йилларда иқтисодий режаларнинг кескинлиги, топириқларнинг тез-тез ўзгариши ва жойлардаги ташкилий чигалликлар кўндалган хўжаликларда муаммолар келтириб чиқарган. Бироқ 1937 йилги сиёсий муҳитда бундай қийинчиликлар кўндалган хўжалик тизимининг умумий муаммолари сифатида эмас, балки "кўпуровчилик" ва "зараркундаллик" айбловлари билан изоҳланиб, тергов ишлари учун асос сифатида қўлланган. Ана шу амалиёт доирасида иқтисодий соҳада юзага келган зиғирча камчилик ҳам

хизматчиларга нисбатан жиноий иш кўзгатишга сабаб қилиб кўрсатилган.

1937 йил 26 декабрда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари Апросян тақдим этган айблов хулосаси СССР прокурори А.Вишинский томонидан тасдиқланиб, иш қисқа муддат ичида судга оширилади. Қаҳрамонимиз ЎзССР Жиноят кодексининг 58-, 63-, 64- ва 67-моддалари бўйича айбдор деб топилиб, 1938 йил 4 октябрда Тошкент шаҳрида СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг кўчма суд мажлиси қарори билан отувга ҳукм қилинади.

Қатафон йилларининг энг шафқатсиз жиҳатларидан бири шунда эдики, жазо кўп ҳолда фақат айбланган шахс билан чекланиб қолмас, унинг яқинлари ҳам айбсиз ҳолда таъбиб гирдобига тортилиб кетарди. Тергов ҳужжатлари ва архив материаллари бу даврда оилалар бутунлай парчалангани, аёллар ва болаларнинг ҳам камалганини кўрсатади. Хикматулла Хисमतовнинг турмуш ўртоғи Мария Хисматова ҳам ана шундай тақдирни бошидан кечирди. Мария 1937 йил 30 октябрда ҳибсга олинди, 1939 йил 8 февралга қамоққа сақланади. Бу бир йилдан ортиқ вақт кечагина умр йўлдошидан айрилган аёл учун яна бир таҳқир, камситиш, хўриқ эди. Гарчи ҳужжатларда бу давр қисқа саналар билан қайд этилган бўлса-да, бунинг ортида бир оиланинг сўнгсиз изтироблари, моҳиятан эса барчанинг юрак-юрагига ботмиш санчиқ, оғриқлари етарлича бор... Мария Хисматова Андижон вилояти Марҳамат райони Русское қишлоғида яшаб, район касалхонасида 1964 йил 17 сентябргача фаолият кўрсатган.

Машъум 4 октябрь фожиясидан йигирма йил ўтиб, 1958 йил 26 мартда Хикматулла Хисमतов иши қайта кўриб чиқилиб, у расман реабилитация қилинди. Бироқ кечиккан бу қарор парчаланган оила, кўрилган миң бир азоб ва йўқотилган ҳаётни қайтариб бера олмади. У фақат тарих саҳифаларидаги ноҳақ айбловлар бекор қилинганини тасдиқловчи ҳужжат сифатида қолди.

Хикмат шуки, аждодлар хотирасини асраб-авайлаш, улар кечмишидан сабоқ чиқариш ҳар бир авлоднинг муқаддас бурчи ва масъулиятидир.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

АЗИЗ ХОТИРА



ҚАТАФОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Муҳиддинхўжа Шамсидинхўжаев – 1890 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Шаҳар боғдорчилик уюшмасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. 1929 йил 6 ноябрда қамоққа олинган.

Мунаввар қори Абдурашидхоннинг ғояларини тарғиб қилишда, хусусан, пахта экишни тўхтатиш зарурлиги тўғрисида ва советларга қарши тарғибот олиб боришда айбланган. РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси 10-банди билан 1931 йил 25 апрелдан 5 йил муддатга қонцагерга ҳукм этилган.

Шорасул Зуннунов – 1900 йили Тошкентда туғилган. Мактабда дарс берган. 1929 йил 6 ноябрда қамоққа олинган. У "Миллий истиқлол" ташкилоти фаолиятига монанд миллатчилик мафкурасини тарқатганлигида айбдор деб топилган. РСФСР Жиноят кодексининг 2-қисми 58-моддаси 10-бандига асосан ОГПУ коллегиясининг 1931 йил 25 апрелдаги қарори билан 10 йил муддатга қонцагерга ҳукм этилган. 1989 йили 28 мартда реабилитация қилинган.

Ғафуржон Мусахон – 1893 йили Тошкентда туғилган. "Ўзбекистон" номи қандолатчилик ширкати бошқарувчиси бўлган. 1929 йил 6 ноябрда қамоққа олинган. Тошкентдаги "Учлик" ташкилоти аъзоллигида, "Миллий истиқлол" фаолиятига раҳбарлик қилишда айбланган. 1931 йил 25 апрелда ОГПУ коллегиясининг қарори билан отувга ҳукм этилган. Иш қайта кўрилиб, ўлим жазоси 10 йиллик сургун билан алмаштирилган.

Ибодқори Умархўжаев – 1879 йили Тошкентда туғилган. 1919 йилгача газлама сотиш билан шуғулланган. 1919–1921 йиллари совет идораларида хизмат қилган. 1930 йил 3 ноябрда ҳибсга олинган.

1919 йили Халқ маорифи бўлимида, Улуғбек номи мактабда иш юритувчи мудир лавозимида ишлаган. "Миллий иттиҳод" ташкилотига молиявий ёрдам берганлигида айбланиб, 1931 йил 3 ноябрда ОГПУ Сиёсий вакиллик бўлими 3 йил муддатга Фарбий Сибирга сургун этилган.

Отахон Назирхон – 1887 йили Тошкентда туғилган. Ҳибсга олинганга қадар Коммунал банк ҳисобчиси бўлиб ишлаган. Октябр тўнтарышига қадар ёлланма ишчи, кейинчалик янги иқтисодий сиёсат даврида уч йил савдо билан шуғулланган. 1938 йил 23 февралда ҳибсга олинган.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1938 йил 5 апрелидаги қароридан "Иттиҳод ва тараққий" ҳамда "Миллий иттиҳод" ташкилотига аъзолигида ва советларга қарши тарғибот олиб борганлигида айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. У 1962 йил 20 июнда реабилитация қилинган.

Усмонжон Сарқоров – 1897 йили Андижон шаҳрида туғилган. НКВД Андижон сектори ёрдамчи хўжалигида ишлаган. 1922 йилда "Миллий иттиҳод" ташкилотига аъзо бўлган. Ташкилотнинг худудий бўлими фаоллари қаторида йиғинларда доимий қатнашган. 1930 йили совет органлари томонидан ҳибсга олинди, қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Азизбек МАҲҚАМОВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА,
музей илмий ходимаси

(Давоми келгуси сонда).

МОЗИЙДАН САДО

Чўлпонни ЁҚЛАГАН МУТАРЖИМ

Ўтган асрнинг 20–30-йилларида ўзбек миллий матбуоти, таржима мактаби, театр танқидчилиги ва маърифат майдонида ўчмас из қолдирган ёрқин сиймолардан бири Санжар Сиддиқдир. Исм-шарифи Босит Сиддиқов бўлган қаҳрамонимиз оддий таржимон эмас, Ўзбекистонда биринчи бўлиб таржима назариясига бағишланган "Адабий таржима санъати" рисоласини ёзиб, таржимашунослик пойдеворини қўйган чин зиёли эди.

Унингча, таржима бир матни бошқа тилга ўгириш эмас, балки миллатнинг дунё билан суҳбатини йўлга қўйиш, тил имкониятларини кенгайтириш, эстетик дидни бойитиш, фикрнинг тарбиялаш ҳисобланади. Шу маънода, у рус, олмон, инглиз, форс тилларидан қатор асарларни ўзбек тилига моҳирона таржима қилди, хориз пьесаларини ўгиришда томошабиннинг руҳиятига таъсир қиладиган жонли тилни яратишга интилди. Шу сабабли, Лопе де Вега, Гоголь, Шиллер, Погодиннинг асарлари Санжар Сиддиқ таржимасида йиллар давомида ўзбек саҳнасида яшади.

Унинг матбуотдаги фаолияти ҳам жамиятни уйғотиш ишининг бир қисми эди. "Қизил байроқ", "Туркистон", "Қизил Ўзбекистон", "Озод Бухоро" газеталарида, "Ер юзи", "Гулистон", "Муштур" сингари журналларда хизмат қилиб, публицистикада турли таҳаллуслардан фойдаланди: "Газетчи", "Тошкентлик", "Кўз-қулук", "Бир киши", "Китобхон",

"Калтадум" ва бошқалар. Булар шунчаки ниқоб эмас, бир ижодкорнинг турли йўналишларда ишлаб олишини, жамиятнинг турли масалаларига мос оҳанг топишини билдирарди, демак, у бир мавзуга қамалиб қолмай, ҳаётнинг ўзига қараб ёзган.

Санжар Сиддиқнинг публицистикаси бир-ёқлама широбозликдан йироқ бўлиб, у муаммони юзаки кўрсатишдан кўра, илдизини очишга интилди. Уқувчини шунчаки хабардор қилиш эмас, ўйлантириш, чоғштириш, ҳулоса чиқаришга ундаш унинг услуби эди.

Масалан, "Бугунги Бухоро" мақоласида у шаҳарнинг кўчалари, бозорлар, оддий инсонлар ҳаётини тасвирлар экан, бир вақтнинг ўзида, бекорчилик, ўғрилиқ, тартибсизлик, руҳий хотиржамликнинг бузилгани каби ижтимоий иллатларни ҳам кўрсатади. Бундай кузатувчи нигоҳ тизимга ёқмасди, чунки у расман чизилган "идеал манзара"нинг ортидаги ҳақиқатни кўрсатиб қўярди. Шу ерда қаламнинг асл қудрати аён бўлади: у кўзга кўринмайдиган зиддиятларни кўрсатади, одамни ўз виждони билан юзлаштиради, жамиятни ўзини баҳолашга мажбур қиладди.

Унинг инсон сифатидаги жасорати, айниқса, Чўлпоннинг "Ҳамлет" таржимаси атрофида кечган баҳсларда яққол кўринди. 1935 йили бу асар Чўлпон таржимасида саҳнага қўйилган. 1936 йили кескин ҳужумга учради ва ҳақоратга эврилган танқидлар пайдо бўлди. Шундай пайтда Санжар Сиддиқ "Тухматга ўхшаган танқид" мақоласини эълон қилиб, масалага ҳиссиёт ёки гуруҳбозлик билан эмас, далил, мантик ва таржима табиатини

тушуниш билан ёндашади. У Шекспир асарларининг рус адабиётида ҳам турли таржималари борлигини, таржима бир хил қолипда бўлиши шарт эмаслигини, таржимон кўпича воситачи манбалар билан ишлашини эслатиб, "учинчи қўл орқали бўлган таржимадан" мукамаллик талаб қилиш адолатдан эмаслигини айтади. Шу билан бирга, у Чўлпон таржимасидаги камчиликларни ҳам инкор этмайди, яъни ҳимоя қилишни кўр-кўрона мақташ билан алмаштирамайди. Бу ёндашув унинг принципини кўрсатади: адабиётда ҳам, матбуотда ҳам баҳс бўлсин, лекин баҳс инсон шаънини топтамасин; танқид бўлсин, лекин у тухматга айланмасин.

Санжар Сиддиқ репертуар масалаларини, саҳна билан халқ диди ўртасидаги масофани эрта сезди ва "Ўзбек театри" мавзусида халқнинг театрдан "муздай совиганлиги"ни таҳлил қилар экан, сабабини асарларнинг муҳитга ёттигида, ижро ва баҳолаш мезонларининг кўпича халқ руҳиятидан узоқлашганида кўради. У миллий театр ва Европа театри синтези асосида янги йўл тақлиф қиладди, чунки унинг фикрича, театр халқнинг табиатига сунъанмаса, саҳна безагигина бўлиб қолади, қалбни ўзгартира олмади. Бу тақлифлар ўша пайтда тўлиқ амалга ошмай қолган бўлса-да, унинг таъсиби бугун ҳам долзарб: санъат халқдан узилса, томошабин кўпайиши мумкин, лекин маънавий таъсир камайди.

1937 йил фожиялари бошланди: тинтув, оилавий парокандалик, тергов, юзлаштириш, тўқилган айбномалар... Айбни бўйнига



қўйиш талаблари қанча кучаймасин, Санжар Сиддиқнинг қатъияти синмади. Кўйилган айбларнинг барчаси рад этилди, бироқ 1938 йили ёпиқ "учлик" суди отув ҳукмини чиқарди. Таржимон ёвга ёлғиз нишон эмасди, китоблари ҳам нишонга олинди...

1956 йилда Санжар Сиддиқ иши қайта кўриб чиқилиб, оқланди. Бироқ "оқлов" ҳаётни қайтармайди, йўқотилган йилларни тикламайди, ёқилган китобларнинг ўрнини тўлдириб бермайди, лекин у жамият виждонига бир савол ташлайди: адолат кечикса, унинг баҳоси қанчага тушади? Шу савол бугун ҳам бизни ҳушёр тутиши керак, чунки тарихни эслашнинг маъноси ҳам шунда – кечиккан адолатнинг аччиқ таъмини унутмаслик, уни тақорламамасликдир.

Бўри ҚОДИРОВ,
Алишер АТАЕВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини илмий ходимлари




КАДРДОН КИТОБЛАР



Навқирон давра

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хайрли ишга қўл урди, бундан беш-ўн йиллар олдин "Биринчи китобим" рукнида тўпламлари чиққан ижодкорларимизнинг навбатдаги китобини нашр эттирди – демак, бир пайтлар катта умидлар билан илк китобчалари ўқувчиларга тақдим этилган ёш ижодкорлар айрим порлаб чиққан футболчиларимизга ўхшаб йўқолиб ёки шоир айтганидек, истеъдоди сўниб қолмабди.



Орада кимдир "Мард ўғлон", кимдир Зулфия номидаги давлат мукофотлари билан тақдирланибди, яна кимдир олий тахсилни якунлаган бўлса, илмий иш ёқлаганлари ҳам бор, албатта, ижодни тўхтатмаган ҳолда.

Туркум номи – "Сўзмунчоқ". "Адабиётимизда ўсиб келаётган кўркам ниҳолларнинг боққа айланганлиги бўйи бор. Бу боғларнинг ҳосили мўл бўлишини ният қилиб, бир туркум китобларини "Сўзмунчоқ" рукни остида нашр этишни режа қилдик", дейилади тўпламларнинг кириш сўзида.

Мана, кўлимда мунчоқдай терилган китоблар. Муқоваси чиройли, дид билан ишланган. Ташки кўриниши ҳавас қилгулик, хўп, ички мазмуни қандай экан? Келинг, яхши шеърлардан айрим намуналар келтирайлик, токи, уларга ўзингиз баҳо беришингизга имкон бўлсин.

Бобур Элмуроднинг "Тажоҳул ул-ориқ" номли китобига Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов томонидан ёзилган сўзбоши берилгани эътиборли. "Укамиз Бобур Элмуроднинг шеърларини ўқиб жуда таъсирландим. Гоҳо шоирнинг битта шеъри муваффақиятли чиқиб, қолганлари сусайиб кетган бўлиши мумкин. Шоир укамизнинг ёзганлари ҳозирча унақа эмас". Катта гап. Албатта, энди мана шу юксак ишонччи бундан кейин ҳам муносиб оқлаш керак.

Жон ҳам битта кўчманчи,
Қололмас экан танда.
Сўзга кўчиб ўтаркан
Вужудинг кексайганда.
Шундай деди хаста чол,
Кўрдим: соқоли қордай.
Жон қолмаган танида,
Сўзларида жон бордай...

Охир ер танга бўлди,
Бўйинг етган замони.
Сенга қай тараф тушди?
Менга сен йўқ томони.

Овозимни ёзиб олди бир киши,
Сураткаш суратга олди туришим.
Яхшиям кўришиб турмас уларга
Сени ич-ичимдан яхши кўришим...
Хали манзилгини айтмадинг дуруст,
Айтмадим, ўзимнинг қайда туришим.
Ишқилиб, Худога аён бўлсин-да,
Сени ич-ичимдан яхши кўришим.

Бобурнинг яна бир ажойиб шеъри "Битта чолни кўрдим саҳрода" деб бошланади. Чол пешонаси терлаб, кум ичидан йўқолган тангасини қидирмоқда. Кун ҳам ботиб боряптики, танга топила қолмайди. Иложисиз қолган чол кўкка қараб зорланади: "Э, Худо, бор бўлсанг, тангамни топиб бер!" Хайхот! "Наҳот ҳозир тангасин топмай, Яратқандан юз ўгирса чол?" Унинг ҳолини баён этаётган шоир қалбига таҳлика тушади:

Кўрқиб кетдим, ахир кекса жон,
Орайдан ўтди бир туйғу.
Битта танга отдим чол томон,
Сени йўқ деб ўйламансин у.
Чуқур мазмунга эга шеър.
Наргиза Асадованинг китоби "Қушлар саловати" деб номланган. Ундаги "Орзу" номли мана бу тўртликни ўқинг:

Ерни бекалом суйган
Чумоли-ла сирлашмас.
Ватан тупроғи-ла мен
Ўлмасимдан бирлашмас.
Яхши топилма.

Ирода Умарованинг "Гарашалик кўнгили" деган тўпламида ҳам яхши шеърлар бор. Гараша кўзимга иссиқ жой. Таниқли шоир, устоз Саъдулла Ҳаким билан беш-олти қатла бу қиш-

лоққа борганман. Бундай сўлим табиатли жойдан шоир чиқмаслиги мумкин эмасдай туюлган.

Жаннатга кетаман бир куни, насиб,
Дўзахдан дўзахга тушарми одам?

Бурда-бурда кулга термулган
Кўзларимда ўзга қайғу бор.
Оҳ, азизим,
Мени кечиргин,
Ёнмайдиган мактублар юбор.

Гуллар ҳам сўлади, хазон чоғи бор,
Илло, уруғларин гулламоғи бор,
Борган жойларида ўзин боғи бор,
Отам боғларида оралатмас куз,
Саккиз дона баҳор – саккиз нафар қиз.

Хабар олмайсизми, ахир қачондир
Кимнингдир кўнглига эккан умиддан?

Сайфиддин Окановнинг "Тошлоқ кўчалар" китобидан:
Мен юрар йўлларни лойлайди дунё,
Ҳар босган изимни пойлайди дунё.
Дунёга сизмаган туйғуларимни
Кўксимга қандайин жойлайди дунё?

Мен булоқман.
Кўзларимни беркитдинг.
Раҳмат сенга!
Яхшироқ жойда кўз очсин дедингми?

Наҳот дунё тошдан бўлган жам,
Тополмайман, наҳот бир қалбдош?
Боққим келмас тошойнага ҳам,
Бўй кўрсатар унда ҳам бир тош.

Адабиёт ихлосмандлари "Сўзмунчоқ" рукнида чоп этилган Юлдуз Ўрмонованинг "Ахтарим" ва Анвар Ботирнинг "Уч", Баҳодир Баҳромнинг "Гулимоҳ" ва Навоийлик Алишернинг "Бурч" тўпламларидан ҳам дилтортар сатрлар топа оладилар, деб умид қиламиз.

Дарвоқе, тўпламлар билан таниша туриб, муаллифларнинг ёши билан қизиқдим, улар айни навқирон паллада – 30-40 ёшларда. Бугунги адабий давраларда уларни негадир ёш ижодкор санашга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, бу ёшдаги инсон ижодкор ва энг муҳими, шахс сифатида тўла шаклланиб бўлади. Шонли тарихимизга назар ташласак, қанчадан-қанча буюқ аждодларимиз умрининг бу палласида етук аллома сифатида камолотга етгани ва шуҳрат қозонганига гувоҳ бўламиз.

Балки аксар шоирларимиз фақат шеър билан машғул бўлиб, уларда ижтимоий фаоллик озлигидан, қалби, фикри уйғоқ ижодкор сифатида турли оммавий ахборот воситаларида долзарб мавзуларни дадил олиб чиқмаётганидан кўзимизга ёш кўринар? Эҳтипол, миллий адабиётимиз, айниқса, замонавий ўзбек шеърини истеъдодларга бойлигидандир уларга эътиборингизни турғунлиги? Кейинги гумонда бўлайлик.

Бобур Мирзо лутф қилади:
Шеъринг эшитур фикрини Бобур қилди,
Не фикри хушу яхши тасаввур қилди.
Кўзини ёруқ айлади саводи бирла,
Мазмуни била кулоқни пурдур қилди.

Сиз ҳам бу шеърларни ўқимокчи хуш фикр, ўқиб эса яхши тасаввур қилсангиз, умидимиз борки, бу китоблар безаги билан кўзингизни ёруғ айлаб, мазмуни билан тафаккурингизга дурлар бахш этса!

Икром ИСКАНДАР

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

“РЎЗАМИСИЗ,
КЎЗАМИ?”

Муборак Рамазон ойи кириб келиши дилларга қувонч бағишлайди. Аммо шу ғанимат кунларни кўнглидагидай ўтказиш ҳаммининг ҳам кўлидан келавермайди. Масалан...

Рўза бошқа ойларга қараганда кам еб, кам ичишни талаб этади. Ихтиёрий оч қолиш орқали ҳам жисми, ҳам нафсни тарбиялаш кўзда тутилади. Ибратли жиҳати, мажбуриятдан, йўқчиликдан оч қолаётганлар ҳолини ҳам ҳис қилади одам. Дилда шукрона ва саховат туйғулари ошади. Лекин айримлар бу ойда бошқа вақтда емаган тансиқ таомлар, емакларга зўр беради. Кундузи оч юргани билан, саҳарлик ва ифторликда меъёрни унутиб қўяди. Тиббиётда бирдан кўп овқат ейиш ё суюқлик ичиш оғир оқибатларга олиб келиши кўп айтилади.

Рўзадорларга ифторлик бериш мақталган амаллардан. Лекин ҳеч қачон исроф қилиб савоб олинмайди. Эҳсон, аввало, муҳтожларга тарқатилади. Аммо баъзи ифторликлар бир тўйга ўхшайди. Дастурхон учун махсус таомлар, ширинликлар тортилади. Аммо буни қаердан олганини биров билмайди. Бу ибодат эмас, бидъатга айланиб кетади.

Ҳалол ризқдан еб-ичиш, исроф қилинмаса, Қуръони Каримда ҳам эътироф этилган. Бироқ дастурхонини расмга, видеога олиб ижтимоий тармоқларга жойлаш, ифторлик учун донги кетган кафе-ресторанларга бориб, жонли эфирлар узатиш соф диний қарашларга ҳам, оддий инсоний маданиятга ҳам тўғри келмайди. Зеро, ҳаммининг шароити ҳар хил. Рамазон кимўзарга ифторлик қиладиган мусобақа ойи эмас.

Яна бир гап. Хўрматли ака-укаларимиз ифторликка, таровеҳ намозига шахсий уловларида боради. Бу эса жойларда узоққа чўзилган тирбандлик ҳосил қилиб, машиналар ҳаракати халақит беради. Намоздан чиқиб йўл талашаётганларни кўриб баъзан ёқа ушлайди одам. Ахир, масжидларга жамоат транспортда, яқинроқдагилар пиеда, велосипедда борса ҳам бўладики.

Рамазон рўзаси одамларнинг гап-сўзи учун эмас, холис Аллоҳ розилиги учун тутилади. Унинг тартиби



ҳам шариятда белгилаб берилган. Жумладан, беморлик, мусофирлик ва бошқа сабабларга кўра айрим тоифаларга рўза фарз қилинмайди. Шунинг учун рўза тутмаган одамни ҳар хил киноя ё ҳазил билан изза қилиш, кўринган одамдан "Рўзамисиз, кўзами?" деб сўраш мутлақ одобсизлик.

Ҳикоят:
"Уч-тўрт йигит Рамазон ойида бир мўйсафид отахоннинг одамлар кўзидан пана жойда таом еяётганини кўриб қолшибди:

– Ие, отахон! Сиз рўзадор эмасмисиз?
Отахон:
– Рўзадорман. Фақат сув ичиб, таом еяпман, холос.

Йигитлар қаҳ-қаҳ отиб қулиб юборишибди:
– Бу нима деганингиз?

Отахон дебди:
– Кимсага ёмон кўз билан қарамайман, бировни мазах қилмайман, гийбат қилмайман, ҳеч кимнинг кўнглига озор етказмайман, одамлар билан хунук муомала қилмайман, бировнинг молига кўз олайтирмайман, лекин... минг афсуски, ошқозоним касал, шу боис меъдамни рўзадор қилолмаяпман".

Отабек РАҲИМ
Фейсбук

ТАНЛОВ

КИТОБХОН
ФАРҲОДУ ШИРИНЛАР

Навоий кон-металлургия комбинати маъмурияти ва касаба уюшмаси кенгаши ташаббуси билан ишчи-ходимлар ўртасида "Энг яхши китобхон" танлови ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди.

Танлов давомида ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарлари, хусусан, "Падарқуш" (Маҳмудхўжа Бехбудий), "Ўткан кунлар" (Абдулла Қодирий), "Юлдузли тунар" (Пиримқул Қодиров), "Жамила" (Чингиз Айтматов), "Менинг Доғистоним" (Расул Ҳамзатов), "Чолиқуш" (Раҳод Нури Гунтекин) китоблари юзлаб иштирокчилар томонидан иштиёқ билан мутолаа қилинди.

– Бу эзгу ишлар жамиятимизда китобхонликни ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Танловнинг якуний босқичида комбинатимиз бўлинмаларидан сараланган 60 нафарга яқин энг фаол китобхон беллашди. Уларнинг билими ва фаоллиги сезилиб турди, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Фарҳод Сойибов.



Танловда Марказий кон бошқармаси 2-гидрометаллургия заводи чилангари Шербек Шайматов 1-ўринни, "Қизилқум" кон бошқармаси ходими Мавлуда Тошева 2-ўринни, Шимолий кон бошқармаси 3-гидрометаллургия заводи чилангари Завқиддин Имомов 3-ўринни қўлга киритди. Ғолиблар ва фаол катнашган иштирокчилар махсус статуэтка ҳамда касаба уюшмаси кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар

билан тақдирланди. Биз кўпинча кончиларимизни Фарҳодга қиёс этамиз, бугун Ширинлар ҳам кон-металлургия соҳасида фаолият юритмоқда. Замонамиз Фарҳоду Ширинларининг фаол китобхон бўлиб, ҳазрат Навоий тасвирлаган комилликка қадам-бақадам яқинлаша боришига ишончимиз бор.

Азамат ЗАРИПОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Jadid
adabiy, ilmiy-maʼrifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Бош муҳаррир:
Иқбол МИРЗО

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Масъул котиб: Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Отабек Бакиров

Адади – 18 586
Шундан:
Кирилл ёзувида – 6 628
Лотин ёзувида – 11 958
Медиа кузатувчилар – 81 433
Буюртма: Г – 239
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюқ Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 21:00

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"
ЖАМОАТ ФОНДИ